БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 193 (7640)

18 АВГУСТ ЖУМА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУНГИ СОНДА:

Партия, ҳукумат қарори асосида пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтирайлик! (1-нчи бет).

Совет пиллачилигини тобора ривожлантириш учун, мамлакатимизнинг ипак бойлигини янада ошириш учун курашайлик! (2-нчи бет).

Н. Стройчук. — Пиллачиликни янада ривожлантирайлик (2-нчи бет).

А. Ивашченко. — Фош қилучи буюк адиб (3-нчи бет).

А. Шораҳмедов. — Илғор совхоз йиғим-терим арафасида (3-нчи бет).

Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Олий бош қўмондонлигининг буйруғи (4-нчи бет).

Америка Қўшма Штатлари конгрессига сайлов олдидан (4-нчи бет).

Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси доимий комитети бюросининг мажлиси очилди (4-нчи бет).

Ўзбекистон пиллачиларининг ғалабаси

Ўзбекистон пиллачилари 17 августда 1950 йилги пилла тайёрлаш планини бажардилар. Халқ хўжалигини ривожлантиришда ва мамлакатимиз экономикасида муҳим ўрин тутадиган пиллачилик планининг бажарилиши ўзбек халқининг катта ютуғидир. Республикамиз пиллачилари давлатга ҳар йилгидан ҳам кўп пилла етказиб бердилар.

Большевиклар партияси, совет ҳукумати, шахсан улуғ доҳимиз ўртоқ Сталиң мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантириш соҳасида доимий ёрдам кўрсатиб ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шунинг натижасида республикамизда пиллачилик йилдан-йилга ривожланмоқда ва умумий пилла маҳсулоти кўпаймоқда. 1950 йилда пилланинг умумий маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан 27,2 процент, шу жумладан баҳорги қурт боқиш бўйича 30 процент кўпайди. Ҳарбир қути уруғдан олинган ҳосил 27,5 процент ошди.

Республикамизда қурт боқиш агротехникаси тобора юксак даражага кўтарилмоқда, қуртларни умумлаштириб боқишга тўла рабишда кўчирди, пиллачилик ишини энг яхши тажрибакорлар ва агрономлар ўз қўлларига олдилар, ниҳоят пиллачилик ишига партия ташкилотларининг раҳбарлиги кучайтирилди. Мана шулар натижасида айрим звено, колхозларгина эмас, балки бутун районлар, областълар бўйича пилладан юқори ҳосил олиниб, умумий юксалишга эришилмоқда. Бу йил Тошкент области бўйича ҳар қути уруғдан 54,1 килограммдан, Наманган области бўйича 51,8 килограммдан, Хоразм области бўйича 51 килограммдан пилла олинди.

Айрим районларнинг пиллачилари пилладан мўл ҳосил олишда яна ҳам катта ютуқларга эришдилар. Тошкент областининг Калинин райони ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 69,6 килограммдан, Тошкент Қишлоқ райони 66,4, Янгийўл райони 60,9, Наманган областининг Чуст райони 57,9, Ўчқўрғон райони 54,5, Самарқанд областининг Пастдарғом райони 55,5, Ургут райони 53 килограммдан пилла ҳосили олдилар. Юзларча колхозлар ҳар қути уруғдан 60 килограмм ва ундан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Самарқанддаги уруғчилик станциясига қарашли колхозлар ҳар қути уруғдан 86 килограммдан, Шаҳрисабз ва Урганч қурт уруғи заводларига қарашли колхозлар 74,4 килограммдан, Фарғона область, Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз 455 қути уруғининг ҳар қутисидан 64,4 килограммдан пилла топширди.

СССР Олий Совети Президиумининг «Пилладан юқори ҳосил олганлик учун колхозчиларга, район ходимларига ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ходимларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш ва уларни СССР орденлари ҳамда медальлари билан мукофотлаш тўғрисида» деб 1949 йил 1 октябрьда чиқарган Фармони пиллачиларимизни янги кўрилмаган рекорд ҳосил олишга руҳлантирди. 1950 йилда республикамизда мингларча звено ҳар қути уруғдан 100 килограмм ва ундан ортиқ пилла олдилар, Фарғона область, Бувайда районидаги Халилов номли колхозининг ўртоқ Олияхон Султонова бошлиқ звеноси 3 қути уруғининг ҳар қутисидан 113,3 килограммдан, шу колхозининг ўртоқ Азизова бошлиқ звеноси 111,5 килограммдан, Наманган область, Тўрақўрғон районидаги «Коминтерн» колхозининг ўртоқ Тошқиной Тўраева бошлиқ звеноси 111,4 килограммдан пилла топширдилар.

Пиллачиларимиз фақат баҳорги қурт боқиш билан қаноатланмасдан, давлатга кўп пилла етказиб бериш учун такрорий қурт боқиб, ундан ҳам мўл ҳосил олмоқдалар. Наманган областининг колхозлари такрорий боқилган қуртнинг ҳар қутисидан планда белгиланганидан 5 килограмм ортиқ пилла топширдилар. Областьда пилла тайёрлаш давом этмоқда. Норин районидаги «Ленинизм» колхозининг ўртоқ Хайри Қирғизова бошлиқ звеноси ҳар қути уруғдан 88 килограммдан, Бухоро область, Ромитон районидаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхози пиллачилик звеносининг бошлиғи ўртоқ Ҳурмат Тешаева 93 килограммдан пилла топшириб, такрорий боқилган қурт ҳисобига планни 3—4 баравар ортиқ бажардилар.

Пиллачиликнинг йилдан-йилга ривожланиши, пилладан мўл ҳосил олиниши натижасида колхозларимиз катта даромад олмоқдалар, колхозчиларнинг моддий ва маиший фаровонлиги яна ҳам ошмоқда. 1946 йилда республикамиз колхозлари пилладан 134,5 миллион сўм даромад олган бўлсалар, 1949 йилда 198,9 миллион сўм даромад олдилар. Совет давлатининг пиллачиларимиз ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиши туфайли бу йил колхозларимиз пилладан яна ҳам кўп даромад олишга эришдилар. 1950 йилда республикамиз колхозлари давлатга топширган пилла эвазига 325,7 миллион сўм даромад қилдилар.

Қурт боқишни намунали уюштириб, мўл ҳосил етиштираётган илғор колхозларнинг тажрибаси республикамизнинг барча колхозларида пиллачиликни янада ривожлантириш ва унинг ҳосилини ошириш учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Аммо шуни айтиш керакки, ҳали кўпгина колхозлар бу имкониятлардан тўла фойдаланганларича йўқ. Шунинг натижасида баъзи колхозлар, район ва областълар пилладан кам ҳосил олиб, давлат планини бажармаётирлар. Андижон, Бухоро, Сурхондарё областълари ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхозлари бу йилги пилла тайёрлаш планини бажармай, республикани анча орқага тортдилар. Шунингдек, бошқа областълардаги айрим район ва кўпгина колхоз ҳам пилла тайёрлаш юзасидан ўз мажбуриятларини адо этмади. Бу область ва районлардаги партия, совет ташкилотлари, айниқса ипакчилик идоралари ва уларнинг агрономлари пиллачиликни ривожлантириш учун яратиб берилган катта имкониятлардан фойдаланмадилар. қурт боқишни агротехника қоидалари асосида уюштиришга етарли раҳбарлик қилмадилар, илғорларнинг тажрибасини оммалаштиришга эътибор бермадилар.

Республикамизда пиллачиликни тез сур'ат билан ривожлантиришни биринчи навбатда тутчилик базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Шунинг учун пилланинг умумий ҳосили ошиши билан бирга, тутчилик ишлари ҳам кенг ривожланиши керак. Ўзбекистон колхозлари 13 минг гектардан кўпроқ тутзорга эга. Лекин яхши парвариш қилмаслик орқасида улардан кам ҳосил олинмоқда. Тут дарахтларининг таги ўз вақтида чопиб, юмшатилмайди, ўғитланмайди ва қондириб суғорилмайди.

Бу йил кузги мавсумда республика колхозларида 9,5 миллион туп баланд танали тут кўчатлари ўтказилиши, 630 гектар ерда янги тутзор қилиниши керак. Яқин икки-уч йил ичида тут барглариниг ҳосилини 35 процент ошириш зарур.

Халқ хўжалигини ривожлантириш бешйиллик планида пилла ҳосилини кескин суратда ошириш мўлжалланади. 1955 йилда республикамизда пилланинг умумий маҳсулоти ҳозиргидан икки баравар ошириларини керак. Беш йил мобайнида республикамиз колхозларида 91 миллион туп баланд танали тут кўчати ўтказилиши, 13 минг 500 гектар ерда янги тутзорлар ташкил қилиниши лозим. Бу эса партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, ипакчилик идоралари ва барча пиллачиларимиздан тутчиликни ривожлантиришга зўр эътибор беришни талаб этади.

Республикамизнинг пиллачилари 1950 йилда давлатга пилла топширишда қўлга киритган ютуқларини мустаҳкамлаб, келгуси йил мўл ҳосилга ҳозирдан бошлаб мустаҳкам замин тайёрлашлари керак. Кузги тут ўтқазиш планини тўла бажариш, мавжуд тут дарахтларини яхши парвариш қилиш энг муҳим вазифалардандир. Партия ташкилотлари пиллачилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳартарафлама кучайтириб, уларга СССР Олий Совети Президиумининг пилладан мўл ҳосил етиштирганлик учун мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини пухта тушунтиришлари лозим. Шунингдек, қурт боқиш муддатини қисқартириб, пилладан юқори ҳосил етиштираётган илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, ниҳоят қурт боқиш агротехникасини барча пиллачиларга яхшилаб ўргатиш зарур.

Жонажон Ватанимизга тобора кўпроқ пилла етказиб бериш учун тинмай курашайлик!

Ўзбекистон пиллачилари пилла топшириш йиллик планини бажардилар

Ўзбекистон пиллачилари 17 августда пилла топшириш йиллик планини бажардилар. Давлатга 1949 йилдагидан 460 минг килограмм ортиқ, 1940 йилдагидан эса, деярлик 30 процент ортиқ пилла топширилди.

Юзлаб колхозда қурт боқишда илғор агротехника қўлланиб, пилладан ғоят юқори ҳосил олинди. Урганч районидаги «Оқолтин» колхозининг а'золари ҳарбир қути уруғдан 105,2 килограммдан пилла олдилар. Республикадаги энг катта пиллачилик колхозларидан бири—Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз 455 қути уруғининг ҳар қутисидан 64,4 килограммдан пилла олди.

Тошкент областининг пиллачилик колхозлари ҳосил нормасини ҳар қути ҳисобига бир килограммдан ошириб, ҳарбир қути уруғдан 54 килограммдан пилла олдилар. Наманган ва Хоразм областъларининг пиллачилари ҳам пилла ҳосили планини ошириб бажардилар.

Ёзги такрорий боқилган қуртдан пилла топшириш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессиясининг очилиши ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-нчи чақириқ 5-нчи Сессияси 1950 йил 19 август, эрталаб соат 11 да, Алишер Навоий номидаги театр биносида очилади.

Партия, ҳукумат қарори асосида пахта йиғим-теримига тайёргарликни кучайтирайлик!

„Ўзбекистон“ колхозининг йиғим-терим плани

ТЎРАҚЎРҒОН, (Наманган области), (ЎзТАГ). Тўрақўрғон районининг «Ўзбекистон» колхозида ғўзалар яхши ўсмоқда.

Колхозчилар ҳосилни теришга барвақт тайёрлана бошладилар. Транспорт, тош-тарози ремонт қилинди, йўл ва кўприклар тузатилди, 20 от боқувга қўйилди. Ўн жойда хирмон тайёрланди, теримчилар учун бирнеча юз этак ҳозирланди.

Йиғим-теримни ва давлатга пахта топширишни уюштириш масаласи бригада ва звеноларда муҳокама қилинди. Колхозчилар кўпгина қимматли таклифларни киргиздилар. Бу таклифлар пахта йиғим-терими планини тузишда асос қилиб олинди.

Колхоз а'золари ғўзаларнинг аҳволини назарга олиб, 25 августда пахта теримини бошлашга қарор қилдилар. Пахтани машина билан териш 30 кунда тамомланмоқчи.

Қорабоев, Ма'рупов, Қўзибоев, Ҳамдамов ва Камолов бошлиқ бригадалар ҳаммадан олдин пахта теришга киришади. 1 сентябрьдан бошлаб колхознинг ҳамма бригадаларида пахта териш оммавий равишда бошланади. Теримчилар сони дастлабки 250 кишидан кейинчалик 320 кишига етказилади. Пахта топшириш учун тажрибали колхозчилардан Абдураҳмон Худойбердиев ва Пўлатбой Худойқулов ўртоқлар тайинланди. Пахтани тайёрлаш пунктига етказиб бериш учун автомашина, 5 та бричка, 7 та арава тахт қилиб қўйилди.

Пахта нобудгарчилигига қарши кураш ва терим сифатини назорат қилиш тадбирларига планда катта ўрин берилган. Колхоз бутун пахта ҳосилининг 80 процентини отбор ва биринчи сортлар билан топширади. Терим сифатини назорат қилиш учун комсомоллардан иборат 9 та пост ташкил қилинади.

Қўшимча болалар яслилари очилади, дала шийпонлари жиҳозланади, далада иссиқ овқат ташкил қилинади.



Тошкент область, Қорасув районидаги М. Горький номли колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини қизғин ма'қуллаб кутиб олдилар. **Суратда:** комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Малик Юсупов** колхозчиларга бу қарорни ўқиб тушунтирмоқда. **М. Қўчқор** фотоси.

Стахановча меҳнат қилиб мўл ҳосил тўпланмоқда

ЧИНОБОД, (Андижон области), (ЎзТАГ). Чинобод район, Ҳўжаобод қишлоқ советидаги колхозларнинг далаларида мўл ҳосил етилмоқда.

Сталин номли колхознинг а'золари айниқса аҳиллик билан ишламоқдалар. Бу колхозда олтинчи парвариш тамом бўлай деб қолди. Август ойининг биринчи ўнкунлигида 280 гектар ерда ғўзалар қўшимча парвариш қилинди. Ғўзаларни чеканка қилиш муваффақиятли тамомланди.

«Қизил Ўзбекистон» колхозида Мактуб муҳокама қилингандан кейин 375 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашишга қарор қилинди. Ҳозир колхоз бутун ишни ана шу мажбуриятни бажаришга қаратган. Ўртоқ Боймирзаев бошлиқ илғор бригаданинг ҳарбир а'зоси тинчлик вахтасида меҳнат қилиб август ойининг иккинчи беш кунлигида 13 тадан меҳнат куни ишлади.

Дала шийпонида

Наманган область, Ўчқўрғон район, Чекчайқи қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг раҳбарлари колхоз а'золари ўртасида оммавий-сиёсий тарбия ишларини бирмунча яхши йўлга қўйдилар.

Колхознинг 11 та пахтачилик бригадасидаги дала шийпонларидан ташқари, яна алоҳида марказий дала шийпони қурилди. Шийпон доҳиларимизнинг портретлари, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига доир турли диаграммалар, плакатлар ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг расмлари билан безатилган. Бу ерда агитаторлар, партия ва ҳукуматимизнинг ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги ўтказиш тўғрисидаги қарорини колхозчиларга кенг тушунтириб бермоқдалар. Колхозчилар август ойида ғўза парваришини давом этдириб, шу ойда ғўзаларни яна икки марта парвариш қилиш учун фидокорлик билан ишламоқдалар.

А. БОБОХОНОВ.

Пахта йиғим-теримига пухта тайёрланмоқдалар

Тошкент қишлоқ районида бу йил пахта майдони кўпайиши билан бирга, мўл ҳосил учун кураш ҳам анча яхши уюштирилди. Колхоз далаларида етилаётган мўл ҳосил колхозчиларни ишга тобора қизиқтирмоқда. Улар шу кунларда ҳосилга ҳосил қўшиш учун ғўза парваришини тинмай давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга колхозларда ва пахта пунктларида йиғим-теримга тайёргарлик ишлари қизғин бораётир.

Эркин қишлоқ советидаги бирлашган Сталин номли колхоз а'золари (раиси ўртоқ Муслим Пўлатов) 545 гектар ерда мўл ҳосил етиштирди. Колхозчилар пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини барвақт бошлаб юбордилар. Барча бригада, звеноларда хирмон жойлари тайёрланиб бўлди. Тош-тарози, этаклар тахт қилиб қўйилди. 19 та бригададаги дала шийпонлари ремонт қилиниб, жиҳозлантирилди. Шунингдек Жданов номли колхозда ҳам (раиси ўртоқ Отажонов) хирмон жойлари, тарозилар тайёрлаш, этак тикдириш ишлари тугалланди. Пахта ташишга ажратилган отлар яхшилаб боқилмоқда. Автомашина ва аравалар ремонт қилинмоқда.

Райондаги пахта пунктлари билан колхозлар ўртасидаги йўлларни тузатиш жадаллик билан бормоқда. Назарбек ва Ўртаовул пунктлари йўлига шағал тўкилиб текисланди. Бу йил пахта ҳосили мўл бўлганлиги ва пахта экучи колхозлар кўпайганлиги учун Назарбекдаги қабул пункти кенгайтирилди. Қишлоқ совети ва колхозларнинг ёрдами билан бу пунктда бунт учун супалар тайёрланди. Пункт тегишли ишчи ва хизматчилар билан та'минланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарори муносабати билан райондаги колхозларда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари яна ҳам кучайтирилди. Район партия комитети қарорни колхозчиларнинг умумий мажлисларида кенг муҳокама қилиш учун колхозларга вакиллар юборди.

Н. ҲАБИБ.

Совет маданиятининг буюк ғалабалари

Совет маданияти дунёда энг илғор маданиятдир. Совет маданияти меҳнаткашларни ҳозирги замон фан ва техникаси, адабиёт ва сан'атининг ютуқларидан, инсоният яратган моддий ва ма'навий маданиятнинг барча ютуқларидан баҳраманд қилади. Социалистик маданият оммани коммунизм руҳида, Ленин—Сталин партиясига, ўзининг буюк Ватанига чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдан иборат олижаноб ишга хизмат қилади.

Бизнинг мамлакатимизда совет социалистик маданияти социализм ғалабалари туфайли гуллаб яшнади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги тарихий қисқа муддат ичида мамлакатимиз маданият соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдики, бундай муваффақиятларни тарих шу вақтга қадар билмас эди. Россиянинг энг яхши фарзандлари қилган орзу рўёбга чиқди, я'ни эндиликда Ватанимиз бутун тараққийпарвар инсониятга бошчилик қилмоқда.

Совет жамияти шароитида маданият биринчи марта меҳнаткашларнинг мулки, **бутун халқ мулки** бўлиб қолди. «Игараги вақтда, — деган эди В. И. Ленин, — бутун инсониятнинг ақли, унинг бутун генийси ба'зи бирорларни техника ва маданиятнинг барча бойликларидан баҳраманд қилиш, бошқаларни эса энг зарур нарсалардан — маориф ва тараққиётдан маҳрум этиш учун ижод қилар эди. Эндиликда эса техниканинг барча му'жизалари, маданиятнинг барча ғалабалари умумхалқ мулки бўлиб қолади ҳамда шу вақтдан бошлаб, инсониятнинг ақли ва генийси ҳеҳқачон зўровонлик воситасига, эксплуатация қилиш воситасига айланти рилмайди».

Капитализмнинг «одам-одамга ёв» деган ваҳшиёна принципига социализм мамлакатида аллақачонлар барҳам берилган. Бизнинг мамлакатимизда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат эксплоатациядан озод бўлган ходимларнинг ўртоқларча ҳамкорлигига ҳамда бир-бирига социалистик ўзаро ёрдам беришга асосланган.

Коммунизм йўлидан олға бораётган совет жамиятида одамнинг одам томонидан эксплоатация қилинишига йўл очиб беручи ваҳшиёна, йиртқич муассасалар, қонунлар, урф-одатлар, кишн шахснинг камситилиши ва ҳақорат қилиниши абадий тугатилган. Маданий тараққиёт йўлида ҳамиша ғов бўлиб келган қашшоқлик ва ишсизлик тугатилган.

Хотин-қизларнинг озод қилинганлиги, уларнинг илғор маданиятдан баҳраманд бўлганлиги совет тузуми қўлга киритган олампшумул тарихий ғалабалардандир. Меҳнаткаш ва она бўлган совет хотини тенг ҳуқуқли ва озод кишидир. Совет хотин-қизлари оилада азоб-уқубатларга, камситилишга, қўрқувда яшашга маҳкум этилган қул эмас. **Социалистик жамиятда хотин-қизлар — янги ҳаётнинг англи ва бинокорларидирлар.**

Мамлакатимиздаги барча халқлар, қандай миллатга мансуб бўлсалар ҳам, қайси тилда гаплашсалар ҳам, тенг ҳуқуқли ва озод халқлардирлар. Барча совет республикаларида шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият гуллаб яшнамоқда.

Буржуазия маданияти тушкунликка учраб, чириб бораётган бир вазиятда коммунизмнинг улуғ идеаллари билан суғорилган совет маданиятининг афзаллиги айниқса яққол кўзга ташланади. Империалистлар, биринчи навбатда америка империалистлари тарихий тараққиётни тўхтатишга, тарих ғилдирагини тескари томонга айлантиришга интилиб, ваҳшийликка, фашист ёвволийлиги ботқоғига борган сари кўпроқ ботиб бормоқдалар. Қуриянинг тинч шаҳар ва қишлоқларини йиртқичларча бомбардимон қилиш, ишчиларга қарши тескарничи қонунлар чиқариш, миллатларни хўрлаш, Линч судлари, барча тараққийпарвар унсурларни қутириб та'қиб қилиш — булар ҳаммаси ҳозирги чиркин буржуазия маданиятининг башарасини кўрсатади.

Капитал мамлакатларида фан ва маданият уруш оловини ёқучи империалистларнинг жиноий мақсадларига бўйсундирилган. Буржуазия аҳлоқи ва «маданият»нинг йиртқич қиёфаси нақадар жирканч эканлиги эндиликда яққол кўзга ташланмоқда. Буюк инсонпарвар Горький бундан ўнбеш йил муқаддам империалистик йиртқичларнинг, «икки оёқлик ёғ босган ўргимчакларнинг заҳарли «руҳи» эндиликда дин, фалсафанинг йиртиқ латта-путталари билан ниқобланмаётир. Фашизм ва ирқий назария—қуролли босқинчиликнинг мунофиқона яланғоч тарғиботидир. Ҳозирги замон буржуазия «маданияти»нинг ярамас, шармандаларча руҳи мана шудир», деб ёзган эди.

Лекин империалистлар ҳарқанча қутириб уринсалар ҳам, улар бутун дунёда тинчлик иши учун актив қурашаётган сулҳпарвар халқларнинг иродасини букаолмайдилар.

Тинч ижодий меҳнат билан машғул бўлган совет халқи экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида янгидан-янги ғалабаларга эришмоқда. Совет мамлакатининг халқ маорифи соҳасидаги, аҳоли ўртасида илмий билимларни тарқатиш соҳасидаги муваффақиятлари ғоят буюкдир.

Бизнинг мамлакатимизда маданий қурилиш, омманинг илм олиши, ма'рифатли бўлиши ғоят катта давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Ўртоқ Сталин ВКП(б)нинг XVIII с'ездида қилган докладида бундай деган эди: **«Биз барча ишчиларни ва барча деҳқонларни маданий ва ма'лумотли кишилар қилишни истаймиз ва шундай вақт келадики, биз бунга эришамиз».**

Мана шу улуғ тарихий вазифа муваффақият билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ўн миллионлаб кишилар—эркаклар ва хотин-қизлар, болалар ва катта ёшдаги кишилар, барча миллат кишилари, ҳамма касб эгалари ўқимоқдалар. Сиёсий, илмий, бадиий китоб совет кишисининг энг яқин дўсти бўлиб қолди. Совет мамлакатида мактаблар, кинотеатрлар, радиоустановкалар, маданият уйлари, клублар, кутубхоналар тормоғи узлуксиз кенгайиб бормоқда.

Совет маданияти илғор илмий фикрнинг энг юксак муваффақиятлари билан узлуксиз бойимоқда. В. И. Ленин Асарлари тўртинчи нашрининг ва И. В. Сталин Асарларининг босилиб чиқиши ғоявий-сиёсий ва маданий ҳаётда буюк воқиадир. Инсониятнинг генийлари Ленин ва Сталиннинг улуғ асарлари совет кишиларини ижтимоий тараққиёт қонунлари билими билан қуроллантиради, халқимизни ғоявий жиҳатдан чиниқтиради, халқимизни коммунизм ғалабаси учун фидокорона курашга илҳомлантиради.

Партия, ҳукуматнинг, ўртоқ Сталиннинг кундалик ёрдами ва йўл кўрсатувчи раҳбарлиги туфайли совет фани ўсмоқда ва ғалабаларга эришмоқда. Ўртоқ Сталиннинг тилшунослик масалаларига доир классик асарлари фаннинг тараққиёти учун, бутун социалистик маданият учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Сталиннинг тилшунослик ҳақида ёзилган ва ижодий марксизмнинг намунаси бўлган асарлари фанга қўшилган янги қимматбаҳо ҳиссадир, бу асарлар фаннинг турли соҳалари — фалсафа, сиёсий иқтисод, тарих, адабиётшунослик учун негиз бўладиган кўрсатмалар берадилар.

СССР Фанлар Академияси ва Медицина фанлари академиясининг яқинда бўлиб ўтган ва Павлов меросини ривожлантириш масаласини муҳокама қилган қўшма сессияси мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқиадир. Совет олимлари илғор материалистик фаннинг байроғини юксак кўтариб боришга, халққа садоқат билан хизмат қилишга қодир эканликларини ва бу йўлдаги иродаларини яна бир марта намойиш қилдилар.

Совет маданияти энг инсонпарвар маданиятдир. Бу маданият меҳнаткашларни ҳамма ва ҳарқандай эксплоататорларга ва золимларга, тинчлик ва демократия душманларига нисбатан нафрат қилиш руҳида тарбиялайди, бошқа халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини чуқур ҳурмат қилишни тарғиб этади. Совет маданияти совет кишиларини чиркин буржуазия мафкурасига қарши, реакция ва ҳурофотнинг, милитаризм ва ирқчиликнинг, миллатчилик ва космополитизмнинг ҳамма ва ҳарқандай кўринишларига қарши курашда қуроллантиради. Реакция ва ҳурофот, милитаризм ва ирқчилик, миллатчилик ва космополитизм империализм йиртқич мафкурасининг моҳиятини ташкил этади.

Тинч меҳнат ва ижодий яратувчилик маданияти бўлган совет маданияти барча меҳнаткашларнинг озодлиги ва бахт-саодати учун курашнинг илоҳомбахш байроғи бўлиб қолди. Социалистик маданият нури дунёни боргач сари равшанроқ ёритмоқда. Социализм қурилиши йўлига кирган халқ демократияси мамлакатларининг маданияти социалистик маданиятнинг қудратли ҳаётбахш та'сири соясида ривожланмоқда.

Совет тузуми ўзининг буюк афзалликларини, экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида капиталистик тузумдан устун эканлигини исбот этди. Миллион-миллион совет кишиларининг ижодий меҳнати бизнинг мамлакатимизда маданият ишини муттасил ривожлантирмоқда. Эксплоатация зулмидан озод этилган меҳнаткашлар мамлакатимизда янги маданият яратишда актив иштирок этмоқдалар. Меҳнаткашларнинг маданий-техник савияси узлуксиз ошиб бормоқда, фан ва техникада янгичиклар яратаётган саноат ва қишлоқ хўжалик новаторларининг қаторлари кўпайиб бормоқда. Миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати тарихнинг тақдирини ҳал қилучи ижодий меҳнатдир.

Бизнинг мамлакатимизда ўтказилган маданий революциянинг ғалабалари ғоят буюк. Лекин Совет халқи қўлга киритилган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмайди ва маданиятни янада яшнатиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилади. ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура масалалари юзасидан қабул қилган тарихий қарорлари совет маданиятининг барча тармоқларини янада ривожлантиришнинг программасидир. Коммунизм қурилиши манфаатлари совет маданиятининг барча арбоблларини мамлакатда ма'навий маданият бойликларини бениҳоя кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишга, ўз сан'аткорликларини узлуксиз оширишга, ўз ижодларининг ғоявий ва бадиий савиясини юксалтиришга, улуғ сталинча давримизга муносиб асарлар яратишга да'ват этади.

Совет халқи большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ Сталиннинг етакчилигида мамлакатимизда маданиятни янада мислсиз юксалтириш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда, коммунистик қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини кўпайтирмоқда.

(«ПРАВДА»нинг 17 августдаги № бошмақоласи).

Совет пиллачилигини тобора ривожлантириш учун, мамлакатимизнинг ипак бойлигини янада ошириш учун курашайлик!






Суратда: Республикамизнинг донгдор пиллачиларидан. (Чапдан ўнгга): **Хурмат Тешаева** — Бухоро область, Рометон районидаги «Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи. У, қурт боқиш муддатини 21 кунга камайтирди ва бу йўл блан пилладан энг юқори ҳосил олди; **Ортиқ Ғозиев** — Фарғона область, Охунбобоев районидаги «Иттифоқ» колхозининг звено бошлиғи. У, уч қути уруғдан 107,3 килограммдан пилла топширди; **Оқилахон Қобилова** — Фарғона область, Фрунзе районидаги Будённий номли 2-нчи колхозининг звено бошлиғи, уч ярим қути уруғдан 360 килограммдан пилла топширди; **Мубор Зокирова** — Тошкент область, Калинин районидаги генерал Раҳимов номли колхозининг звено бошлиғи. 3 қути уруғнинг ҳар қутисидан 257 килограммдан пилла топширди.

Тут кўчатларини етиштиришдаги мувaффақиятларимиз

Наманган районидаги Ленин номли колхозининг тут кўчатзори 1947 йилда ташкил қилинган эди. Дастлабки йилларда кўчатзор гектаридан ўрта ҳисоб блан 500—600 минг кўчат берар эди.

Бу йил кўчатзорда агротехника қоидалари тўла ўзлаштирилди. Бунинг натижасида анчагина ютуқларга эришилди. Дастлабки мўлжалларга кўра кўчатзор ҳар гектар ердан қарийб бир миллион тупдан кўчат беради. 10 августгача кўчатлар 90 сантиметргача ўсди.

Ўтган йилдан бошлаб кўчатзор икки йиллик дурагай кўчатлар етказиб бераётир. 1 гектар ердан ўрта ҳисоб блан 35 минг тупдан стандарт кўчат олинди. Бу йил бу норма анча оширилади. Дурагай кўчатлардан ташқари кўчатзор ҳар йили 10—12 минг сербарг тут кўчатлари ҳам етиштириб бермоқда.

14 гектар ердаги кўчатзорда тут уруғи экиш ва кўчат ўтказиш ишларини 15 кишидан иборат доимий бригада бажармоқда. Бу йил бригада кўчатзорни беш марта ёввойи ўтлардан тозалади. Бир яшар кўчатларнинг оралари кетман блан тўрт марта юмшатилди.

Юқори сифатли кўчатлар етиштириш учун энг муҳим шартлардан бири барча агрономия тадбирларини ўз вақтида ўтказишдир.

Масалан, ёввойи ўтлар ёш вақтида дарҳол юлиб ташланмаса, улар тез авж олиб ўсиб кетади ва уларни йўқотишга ёш вақтидагига қараганда анча кўп меҳнат сарфлашга тўғри келади.

Биз суғоришни ҳамиша ўз вақтида ўтказамиз, илдиз қатламининг қотиб қолишига мутлако йўл қўймаймиз. Ҳар суғоришдан кейин ер етилиши блан қатор ораларини культивация қиламиз. Тут уруғи экиладиган ерларни кузда шудгорлаб қўямиз, шудгорлаш олдидан гектарига 400 килограммдан суперфосфат соламиз. Бу йил июнь ва июль ойларида гектарига 250 килограммдан аммиак селитраси солинди. Июль ойида селитра суперфосфат блан аралаштирилди. Бундан ташқари биз яхши ўсмайдиган кўчатларни кўшимча озиқлантириш усулини ҳам қўлланамиз.

Ёввойи ўтларга қарши тинмай курашиш, кўчатларни ўз вақтида суғориш ва қатор ораларини сифатли юмшатиш, шунингдек ўғитлардан кенг фойдаланиш ҳар йили юқори сифатли кўчатларни кўплаб етиштириш имкониятини бермоқда.

Барча агротехника қоидаларини мукаммал бажарган тақдирдагина колхозларнинг йилдан-йилга орта борган талабини тўла кондириш мумкин.

Асқарали ҚИРҒИЗБОЕВ.

Наманган районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи.

Мамадали Аҳмедов.

Звено бошлиғи.

Қурт боқиш муддатини қисқартиш усулини кенг ёяйлик

Сўнгги йилларда пилладан мўл ҳосил етиштирган кўпгина илғор пиллачилар етишди. Қурт боқиш муддатини қисқартиш учун стахановчилик ҳаракати кенг авж олди.

Одатда қурт боқиш 35—40 кун давом этади. Илғор пиллачилар ўз иш тажрибаларида кўкламги қурт боқишни 28—30 кунгача қисқартиш мумкин эканлигини исботладилар. Кўпгина илғорлар қурт боқишни бундан ҳам қисқа вақтда тамомламоқдалар.

Ўзбекистонда қурт боқишни қисқа муддатда ўтказиш пиллачиликни пахтачилик блан тўғри боғлаб олиб боришда муҳим ўрин тутади. Бухоро область, Рометон район, Саидобод қишлоқ советидаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхозининг новатори Хурмат Тешаева қурт боқишни тезлатишда катта муваффақиятларга эришди. У бирнеча йилдан буён қурт боқишни 21—22 кун ичида тамомлаб пилладан мўл ҳосил олмоқда. Бу эса қурт боқишда ишловчи колхозчиларни 10—15 кун илгари бошқа ишлар учун бўшатиш имкониятини беради.

Қурт боқишни қисқа муддатда ўтказиш талайгина колхозчиларни бошқа ишлардан бўшатиш блан бирга, қуртларни юқори сифатли янги барг блан та'минлаш имкониятини ҳам беради. Хурмат Тешаева қурт боқиш муддатини қисқартиш учун ҳаво ҳароратини ва намлигини тўғри белгилаш, қуртларга баргни тез-тез бериб туриш асосий шарт эканлигини амалда исботлади. Ўртоқ Тешаева ёш қуртларни боқиш вақтида ҳаво ҳарорати ва намлиги шароитини тубдан ўзгартирди.

У ёш қуртларни боққан вақтда ҳаво ҳароратини одатдаги 23—24 даража ўрнига 30—32 даражагача оширди. Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда қуртлар тезроқ ўсади, чунки қуртларнинг организмидаги физиологик процесслар тезлатади. Овқат тезроқ ҳазм қилинади, шу блан қуртнинг ўсиш даври анча қисқаради. Тез ўсаётган қуртларнинг овқатга бўлган талабини қондириш учун ўртоқ Тешаева барг беришни деярлик икки баравар кўпайтирди. Барг оз-оздан текис ёйиб берилди. Қуртлар кечаю-кундуз боқилди, ҳатто кечаси ҳам тўхтатилмади.

Шу блан бирга ҳарорат юқори бўлганда ҳавонинг ортиқча нам бўлиши қуртларга ёмон та'сир қилади. Шу сабабли ўртоқ Тешаева ҳаво намлигини одатдагига қараганда 45—55 процент кам тутади. Катта ёшлаги қуртлар боқилганда ҳарорат пасайтирилади, намлик эса оширилади.

Шундай қилиб, қурт боқиш муддатини қисқартишга ёрдам берадиган асосий зоотехника усули — ҳаво ҳароратини юқорироқ қилиб, ҳаво намини камайтиришдан ва баргни тез-тез бериб туришдан иборатдир. Ўртоқ Тешаева бу йил қурт боқишни 21 кунда тамомлади.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг лабораторияси ўз тажрибасида қурт боқиш муддатини қисқартиш мумкин эканлигини та'кидлади. Академик Т. Д. Лисенко ҳечбир организм ўзининг ирсий имкониятларини тўла сарфламайди, дейди. Кўпгина аломат ва хусусиятлар тўла ривожланмайди. Агар зарур ташқи муҳит яратиб берилса, бу аломат ва хусусиятлар ривожлана олади.

Ўртоқ Хурмат Тешаева ана шунга асосланиб ташқи муҳит йўли блан организм учун муайян шароит яратиб беради, шу блан қуртларнинг тез ривожланишига эришади ва қурт боқиш муддатини қисқартади.

Ўртоқ Тешаева ва бошқа кўпгина илғорлар қурт боқиш муддатини қисқартиш блан бирга ҳар йили пилладан мўл ҳосил олмоқдалар. Ўроқ Тешаеванинг усулини колхозларда кенг миқ'ёсда синаб кўриб, бу усулни кенг ёйиш зарур.

Н. БАХОВИДДИНОВ.

Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

Хурмат Тешаева тажрибасини қўлланамиз

Мен сўнгги икки йил ичида қурт боқишда ўз колхозимизнинг а'зоси, пиллачилик звеносининг бошлиғи ўртоқ Хурмат Тешаева белгилаб берган усулни қўлланмоқдаман. Қурт боқишни тезлатишдан иборат бу усул қурт боқиш муддатини одатдагига қараганда анча қисқартиш имкониятини беради.

Менинг звеном 1949 йилда қурт боқишни 22 кунда тамомлаб, уч қути қурт уруғидан 237,9 килограмм, ёки ҳар қутидан 79,3 килограммдан, 1950 йилда ҳам уч қути қурт боқиб, ҳар қутидан 71 килограммдан пилла олди. Бу йил қурт боқиш 21 кунда тугалланди. Бу йил 1949 йилдагига қараганда кам ҳосил олинди, чунки қурт боқишни тамомлаш учун барг етишмади, баргни бошқа районлардан ташиб келтиришга тўғри келди.

Мен бу ерда бошқа бир нарса ҳақида гапирмоқчиман. Биз ўртоқ Тешаеванинг жадал усулини ишлатиб, қурт боқишни бошқа звеноларга қараганда 12—15 кун илгари тамомлаймиз. Бу эса, ғўзаларни яганалаш ва биринчи чопиқ бошланган вақтда ғўза парваришига киришиш имкониятини беради. Шу блан қурт боқиш ғўза парвариши блан боғлаб олиб борилади. Бу—қурт боқишдаги жадал усулнинг энг катта ютуғидир.

Қурт боқишдаги жадал усулни фақат бизнинг колхозимиз ва районимиздагина эмас, балки Ўзбекистондаги барча колхозларда ва ҳатто бошқа республикаларда ҳам кенг ёйиш керак.

Пиллачиликда ўртоқ Тешаева усули блан ишлашга ўрганиш, тешаевачилар қаторини кўпайтириш зарур. Бу йил менинг звеном пилладан юқори ҳосил олса ҳам, бу мени қаноатлантирмайди. Мен 1951 йилда ҳар қути қурт уруғидан камида 105 килограммдан ҳосил олиш, қурт боқишни бу йилдагидек 21 кунда тамомлаш мажбуриятини оламан.

Барча пиллачиларни қурт боқишдаги жадал усулни ўрганиб, 1951 йилда ундан кенг фойдаланишга чақираман.

Ҳамро АЛИМОВА.

Бухоро область, Рометон районидаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» колхози ипакчилик звеносининг бошлиғи.

Такрорий боқилган қуртдан мўл пилла ҳосили олинди

Фарғона область, Бағдод районининг колхозлари бу йил 1000 қути такрорий қурт боқиб, уни агротехника қоидалари асосида яхши парвариш қилиб мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар қути уруғдан пландаги 25 килограмм ўрнига давлатга 27 килограммдан пилла топшириб, план 130 процент бажарилди.

Айрим колхозлар такрорий боқилган қуртдан яна ҳам мўл ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Райондаги «Қизил аскар» колхози 15 қути қурт боқиб, ҳар қутидан 37 килограммдан пилла олди ва давлат планини 145 процент бажарди. Шунингдек «Ленин йўли» колхозининг а'золари ҳам ҳар қути уруғдан 36.5 килограммдан пилла топшириб, планни 143.3 процент адо этдилар. «Иттифоқ», Будённий номли ва бошқа кўпгина колхозлар ҳам такрорий боқилган қуртдан юқори ҳосил олиб, пилла тайёрлаш планларини анча ошириб бажардилар.

Район бўйича 15 августгача 31 колхоз такрорий боқилган қуртдан пилла топшириш планини ошириб бажарди. Районнинг колхозларида давлатга пландан ташқари пилла топшириш давом этмоқда.

Ю. КАРИМОВ.

Пиллачиликни янада ривожлантирайлик

Ўзбек халқи Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг очилишини муносиб кутиб олмоқда. Бугун республикамиз пилла тайёрлаш йиллик планининг бажарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқда.

Пиллачи колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб, партия ва совет ташкилотларининг ҳамда ипакчилик ходимларининг ёрдами блан, пилладан яхши ҳосил олдилар ва давлатга ўтган йилдагига қараганда 4.600 центнер кўп пилла топширдилар.

Республикамиз пиллачиларининг бу муваффақиятга эришишларида СССР ҳукумати ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ипакчиликни юксалтириш, пилла тайёрлашни ва уни ишлашни яхшилаш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди.

Колхозларда қурт боқишни уюштиришда янги шаклларнинг қўлланилиши ва тут дарахтларининг ишлабчиқариш бригадаларига биркитиб қўйилиши колхозларда пиллачиликни янада ривожлантиришга, қурт боқучи колхозчиларнинг меҳнатини яхши уюштиришга, колхозларнинг пиллачиликдан оладиган даромадини кўпайтиришга ёрдам беради.

Партия ва ҳукумат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида мамлакатимиз меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари халқ хўжалигининг ҳамма тормоқларида яққол сезилиб турибди. Сортли пилла учун тайёрлаш нархлари оширилди. Қуртхоналар зарур асбоб-ускуналар блан етарли та'минланди. Шу блан пилланинг сифатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг бу тормоғидан тушадиган даромадни кўпайтириш учун зарур шароит яратиб берилди.

Бу йил колхозларнинг пиллачиликдан олган даромади 125 миллион сўм ортди. Қурт боқишда илғор усулларни қўлланиб, қурт боқиш муддатини 22—25 кунгача қисқартириш учун курашаётган илғор пиллачилик звенолари катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Қурт боқиш муддатини қисқартириш усули иш ҳажмини камайтириши блан бирга, ҳар қути қурт уруғидан 80—90 ва 100 килограммдан пилла олиш имкониятини беради.

Ҳукуматнинг ипакчиликни янада ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрлигидан илҳомланган илғор колхозларнинг а'золари эришилган муваффақиятлар блан кифояланиб қолмай, кузда тут кўчатлари ўтқазишга ва кўчатзорлар барпо этишга қизғин тайёрланмоқдалар. Тут кўчатлари етиштириш, тутзорларни парвариш қилиш масалаларига катта э'тибор берилмоқда.

Тут дарахтларини парвариш қилишда агротехника қоидаларини ўз вақтида, тўғри амалга ошириш, тут дарахтларини кесиш ва пайхон қилишдан сақлаш келгуси йилда қурт боқишни барг блан тўла та'минлаш имкониятини беради. Бу эса, қурт боқишни янада кенгайтириш ва пилла ҳосилини ошириш ҳамда унинг сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Пиллачилик новатори Хурмат Тешаеванинг усули қурт боқишда борган сари кенг ёйилмоқда. Кўкламги қурт боқишда ўртоқ Тешаева усули бирнеча ўнлаб пиллачилик звеносидагина қўлланилган бўлса, ёзги такрорий қурт боқиш даврида юзларча звено бу усулга амал қилиб, яхши натижаларга эришди. Ўртоқ Хурмат Тешаеванинг звеноси такрорий боқилган ҳар қути қурт уруғидан 90 килограммдан ортиқ пилла олди.

Броқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, республикамизда пилладан мўл ҳосил олишда ҳали барча мавжуд имкониятлардан фойдаланилмади. Бирқанча колхоз ва районларда пиллачилик соҳасидаги ишлар тўғри уюштирилмади, тут баргларидан унумли фойдаланилмади, натижада бу колхоз ва районларда пилла тайёрлаш плани бажарилмади. Масалан, Андижон, Бухоро, Сурхондар'ё областьларида ва Қорақалпоғистон АССРда умуман олганда пилла тайёрлаш плани бажарилмади.

Бу район ва областьларда пилла тайёрлаш планининг бажарилмай қолишига сабаб шуки, ҳукуматнинг пиллачиликни янада ривожлантириш юзасидан белгилаган тадбирлари кўп колхозларга етказилмаган, бу тадбирлар кенг колхозчилар оммасига яхши тушунтирилмаган. Ҳукуматнинг ипакчилик юзасидан белгилаган тадбирларини кенг колхозчилар оммасига тушунтиришдаги бундай аҳвол учун районларнинг раҳбарлари, ипакчилик ходимлари ва колхоз раҳбарлари ҳам жавобгардирлар.

Пиллачиликда бу йил юз берган ҳамма камчиликларни очиб ташлаб, келгуси йилда уларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳамма зарур чораларни кўриш керак. Илғор колхозларнинг қурт боқишни уюштиришдаги яхши тажрибаси барча колхозларга ва пиллачилик звеноларига ёйилиши лозим.

Республикамиздаги пиллачилар, ипакчилик ходимлари ва район ташкилотлари раҳбарларининг асосий вазифаси колхозларда пиллачилик ишларини уюшқоқлик ва план блан олиб боришдан иборатдир.

Келгуси йилда пилладан мўл ҳосил олиш учун, пахта йиғим-терими ялпи бошлангунча, кўчатзорларни парвариш қилишдаги қолоқликни тугатиш, тут дарахтлари орасини иккинчи марта тракторлар блан ишлаш, тутзорларни ва ҳамма тут дарахтларини суғориш зарур. Тут дарахтларини кесиш ва пайхон қилишдан сақлаш учун ҳамма чоралар кўрилиши керак.

Қурт боқишда ишлатиладиган ҳамма асбоб-ускуналар, сўкчаклар ва этажеркалар ҳисобга олиниб, келгуси йилнинг кўкламигача тегишли колхоз ходимларига сақлаш учун топширилиши, шу блан бирга етишмаган асбоб-ускуналарни тайёрлаш ҳам унутилмаслиги лозим.

Бу йил кузда тут кўчатлари ўтқазиш юзасидан давлат планини бажариш соҳасида катта ишлар қилиниши керак. Куз фаслида 9,5 миллион йўғон танали тут кўчати ўтқазилиши ва 650 гектар ерга тут уруғи экилиши зарур.

Бу ишни муваффақиятли бажариш учун район ташкилотларининг раҳбарлари ва ипакчилик идораларининг ходимлари барча колхоз кўчатзорларини дарҳол текшириб чиқиб, ҳамма колхозларда тутзорларни агротехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиш тадбирларини кўришлари керак. Шу блан бирга тут кўчатлари ўтқазиладиган майдонлар тайёрланиши, чуқурлар қазилиши, шунингдек кўчатларни ўз вақтида (ноябрь ойидан кечикмай) ташиб келтириш чоралари кўрилиши лозим. Бу ишларнинг ҳаммаси ишлабчиқариш бригадаларининг раҳбарлиги остида олиб борилади.

Бу йил қурт боқилган ҳамма колхозларда сентябрь ойидан кечикмай, қурт боқишда ишлаган ҳарбир колхозчига ишланган меҳнат куни ва топширилган пилла сифатига қараб меҳнат кунлари ёзилиб бўлиши керак.

Шу блан бирга республикамизнинг колхозларида ипакчиликни юксалтириш соҳасидаги тадбирлар барча колхозчиларга кенг тушунтирилиши лозим. Бу вазифаларнинг ўз вақтида тўғри бажарилиши 1951 йилда пиллачилик планининг муваффақиятли бажарилишини та'минлайди.

Н. СТРОЙЧУК.

Ўзбекшелктрест бошқаручиси.

„Қизил Ўзбекистон" газетхонларининг конференцияси

Яқинда Фарғона область, Молотов районида «Қизил Ўзбекистон» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга район партия, совет активлари, колхозчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари, ўқитучилар, врачлар ва қишлоқ мухбирларидан 310 киши қатнашди. Конференцияда газета редколлегиясининг а'зоси ўртоқ Х. Ёдгоров «Қизил Ўзбекистон» газетасининг иши ҳақида доклад қилди.

Докладчи, газетанинг республикамиз халқ хўжалигини юксалтириш, биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлантириш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлади. У, кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш, илмий-сиёсий билимларни пропаганда қилиш, марксизм-ленинизм назариясини меҳнаткашлар онгига сингдириш, социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳаларида газета партия ташкилотларига бирмунча ёрдам берганлигини айтди.

Докладчи, газетанинг ишида катта камчиликлар борлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди. Бу камчиликлар шундан иборатки, газета саҳифаларида партия турмуши, совет қурилиши, саноат ва маданиятга доир материаллар айрим вақтларда юзаки ёритилади. Сўнгги пайтларда газетада республикамиз саноати ҳақида, янгилик яратаётган, ишлабчиқариш жараёнини ихчамлаштириш, меҳнат унумини ошириш соҳасида ижодий иш қилаётган энг яхши кишиларнинг тажрибалари ҳақида ҳам кам ёзилмоқда. Газета, машина-трактор станцияларининг иши тўғрисида жиддий, принципиал материалларни етарли даражада ёритиб бормаётир.

Конференцияда қизғин музокаралар бўлди. 2-нчи МТСнинг директори ўртоқ Имомназаров бундай деди:

— «Қизил Ўзбекистон» газетаси миллионларча деҳқонлар оммасининг қишлоқ хўжалигини, даставвал, пахтачиликни ривожлантириш, деҳқончилик ишларини машиналаштириш йўлидаги олиб бораётган ажойиб ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Газета, партиямизнинг қарорлари, чақириқ ва шиорларини меҳнаткашларга етказиш ва уларни республикамиз олдида турган муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этишда ҳақиқатан ҳам ташкилотчилик ролини ўйнамоқда. Мен газетанинг ишида бирқанча камчиликлар борлигини ҳам айтмоқчиман. Шуни э'тироф этиш керакки, республикамиздаги ҳамма МТСлар ҳам яхши ишлаётгани йўқ. Техникадан самарали фойдаланиб, ишлабчиқаришда катта муваффақиятларга эришаётганлар блан бирқаторда, колхозлар блан тузилган шартномаларни бажармай, кейинда қолаётган қолоқ МТС лар ҳам бор. Лекин биз газета саҳифаларида ана шундай икки хил ишлаётган МТСларнинг ишини тўла тасвирлаб берадиган мақола ва хабарларни жуда кам ўқиймиз. Газетада илғор тракторчилар, механикларнинг иши тўғрисида ҳам кам ёзилади. МТС агрономларининг иши кўпинча четда қолдирилади. Трактор бригадалари — МТСда ишлабчиқаришнинг юрагидир. Броқ ана шу масала тўғрисида ҳам онда-сондагина ёзилади.

Газета ўзи бошлаган ишни охиригача изчиллик блан олиб бориши керак. Биз ўтган йилнинг охирида Самарқанд область, Пастдарғом район МТСи коллективининг социалистик мажбурияти тўғрисида газетада мақола ўқидик. Бу мақола ҳамма МТС ларнинг иши учун ибратли эди. Броқ «Қизил Ўзбекистон» газетаси кейинги пайтда ана шу МТС коллективининг социалистик мажбуриятларни қандай бажараётгани ҳақида деярлик ҳеч нарса ёзмади.

Қишлоқ ўқитучиси ўртоқ Аширматов газетанинг мафкура соҳасида анча иш қилганлигини айтди. У, диний урф-одатларга қарши кўпроқ танқидий материаллар ёритишни талаб этди. Ўртоқ Аширматов Шарқ мамлакатлари халқларининг ҳаёти ҳақида, уларнинг озодлик учун олиб бораётган курашлари тўғрисида кўпроқ мақола ва очерклар бериб бориш керак, деди.

Молотов номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг органи «Пахтакор» деворий газетаси редколлегиясининг а'зоси ўртоқ Раҳимов республика газеталарининг қуйи матбуотга қандай ёрдам бераётганлиги тўғрисида гапирди. У, деворий газета редколлегияларининг а'золари катта ёрдамга муҳтождир деди.

— Биз,—деди ўртоқ Раҳимов,—деворий газетани бадиий жиҳатдан безаш, унда қандай материалларни ёритиш ва мухбирлар блан иш олиб бориш тўғрисида етарли тажрибага эга эмасмиз. Шу сабабли «Қизил Ўзбекистон» газетаси қуйи матбуотга, деворий газета муҳаррирларига ёрдам тарзида брошюра ва мақолалар чиқарса жуда яхши бўлур эди.

Будённий номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ашуров газета саҳифаларида агитколлективлар ва агитаторларнинг тажрибаларини кенг ёритиш, шу блан бирга, қишлоқ партия ташкилотларига ёрдам тарзида, жумладан оммавий-агитация ишларини ташкил этиш, коммунистларнинг, биринчи навбатда партия қаторларига янгидан қабул қилинган ёш коммунистларнинг назарий билимини ошириш масалаларига доир мақолаларни кўпроқ босиб туриш керак, деди. МТС агрономи ўртоқ Воҳидов агротехника билимини қўллашда маҳорат кўрсатаётган, пахтачиликни ривожлантириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган илғор кишиларнинг тажрибалари ҳақида, қишлоқ агрономларининг фаолияти тўғрисида публицистик мақолалар ва очерклар ёритиб бориш жуда муҳим, деди. Ўртоқ Воҳидов майда колхозларни йириклаштириш соҳасидаги масалаларга алоҳида э'тибор берилишини тавсия қилди.

Молотов район партия комитетининг секретари ўртоқ Ф. Ҳайдаров мамлакатимиз ҳаётида большевистик матбуотнинг роли ғоят катталиги, кенг меҳнаткашлар оммасини Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда газеталаримиз партия ташкилотларига ҳардоим катта ёрдам бериб келаётганликлари ҳақида гапирди. Газета саҳифаларида деҳқонларнинг ма'навий қиёфаси, маданияти ҳақида, пахтачиликнинг тўхтовсиз ривожланаётгани, бунинг натижасида колхозларнинг жамоат бойлиги бениҳоя ўсаётганлиги тўғрисида материаллар ёритиб бориш жуда муҳимдир, деди ўртоқ Ҳайдаров.

Ўртоқ Ҳайдаров колхоз мажлисларининг аҳамияти ҳақида гапирди. У, колхоз мажлислари кўпинча расмият учун чақирилади, деди. Унда принципиал, коллектив хўжаликнинг ҳаётига доир актуал масалалар, я'ни меҳнатни тўғри ташкил этиш, ҳисоб-китоб ишларининг қўйилиши, колхоз тафтиш комиссиясининг фаолияти, колхоз правлениесининг ишлабчиқариш бригадаларига раҳбарлиги, пул ва ғалла авансларининг тўғри тақсимланиши, жамоат мулкини сақлаш, оммавий-оқартув ишларининг қўйилиши ва бошқа шунга ўхшаш масалалар кўпинча муҳокама қилинмайди. Аксинча, ўтказиладиган мажлислар колхоз раиси, хўжалик бўлимининг бошлиғи, бошқа кишиларнинг турли харажатларини расмийлаштириш, ёки етишмай қолган нарсалар ҳақида осонлик блан тузилган актларни, ведомостьларни тасдиқлаш учунгина чақирилади. Газетада колхоз мажлисларининг ролини оширишга ва колхоз демократиясини янада кучайтиришга оид мақолалар, консультацион материаллар бериб борилса жуда яхши бўлур эди.

Район партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудири Одилова, қишлоқ ўқитучиси Ҳасанов, врач Йигитов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар. Нотиқлар газетада мафкура соҳасидаги масалаларга доир, кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши жиддий танқидий мақолалар, фельетонлар бериб борилишини талаб этдилар.

Конференция қатнашчилари «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ишини янада яхшилашга қаратилган қимматли таклиф ҳамда маслаҳатлар бердилар.

ОЗОДЛИК ҲАЙКАЛИ

Моранбон тоғида гуллар қўйнида
Ўртоқлар мозори—гранит ҳайкал,
Қаршисида—бир жуфт ажойиб қайин,
Дўстлик символидай мағрур ҳармаҳал.
Чўққиларни ошиб эсган шамолдан
Шохлари торлардай куйлар оҳиста;
Қурия бахтини куйлаган симон,
Зилол Тайдон оқар пишқириб пастда.
Келар озод бўлган қурия халқи,
Қаҳрамонлар қабрин қилар зиёрат,
Мармар супачага қўяр гулдаста,
Гуллардай беғубор меҳр-муҳаббат.
Камтарин қўл блан артишар уни,
Силлиқ супачалар ялтирар кулранг:
Озодлик келтирган бу ўғлонларнинг
Мармар ҳайкалига ўтирмасин чанг.
Бунда ётган ҳарбир совет жангчисин:
Ёвни енгиш! — деган қасам'ёди бор.
Бу қутлуқ қасамин бугун ҳар қурияли
Жанглар майдонида қилмоқда такрор.
Бу ётган ботирлар беш йил илгари
Дўстининг бахти деб берган жонини.
Ўлимдан қўрқмасдан жанг қилар кореец.
Тилга оғасининг олиб номини . . .
У билар, она деб ўпган шу тупроқ,
Ота-боболарин хоки ётган юрт
Қуллик кишанида ингради кўп чоқ,
Америкалилар емирди бир қурт.
Оқибат, етишди қасос олар пайт,
Одил жанг қилмоқда қурия халқи.
Озод Шимол тонгдай борар жанубга,
Америкалиларнинг бунда йўқ ҳаққи.
Оналар кўз ёши, оталар ғами,
Вайрон бўлган шаҳар, қишлоқлар учун
Пўлат оқинидай ўтда ботир халқ,
Босқинчи ёвларга солмоқда қирғин.
Аминман, ғалаба байроғин тездан
Жануб соҳилига мағрур тикишар,
Озод бўлган ғолиб ҳур республика
Озодлик ҳайкалин доим олқишлар,
Моранбон тоғида, гуллар қўйнида
Ўртоқлар мозори—гранит ҳайкал.
Қаршисида—бир жуфт ажойиб қайин
Дўстлик символидай юксак ҳармаҳал!

Ким ЦИН СОН.

М. БОБОЕВ таржимаси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

А. В. Мишулин.—«ҚАДИМГИ ДУН'Е ТАРИХИ». 5—6-нчи синфлар учун. **Н. Алимуҳаммедов** таржимаси, редактори **А. Ортиқов.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 100.000, 307 бет, баҳоси 3 сўм 55 тийин.

И. А. Киссен. — «ЎЗБЕК ТИЛИ». Рус мактабларининг 5-нчи синфи учун. Редактори **Х. Сулаймонова.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 30.000, 106 бет, баҳоси 90 тийин.

Т. И. Иванов, А. С. Добров. — «ҚИТ'АЛАР ГЕОГРАФИЯСИ». 6-нчи синф учун. **В. Раҳимов** таржимаси. Редактори **А. Мирбобоев.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 80.000, 205 бет, баҳоси 3 сўм 20 тийин.

Г. Раҳимова. — «ВАТАН АДАБИЁТИ». 6-нчи синф учун. Редактори **А. Хўжахонов.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 80.000, 366 бет, баҳоси 3 сўм 85 тийин.

З. Ма'руфов, Ш. Шоабдираҳмонов. Т. Шермуҳамедов. — «ОРФОГРАФИК МАШҚЛАР ТУПЛАМИ». 6—7-нчи синфлар учун. Редактори **Ф. Абдулдаев.** Ўздавпеднашр 1950 йил, тиражи 80.000, 147 бет, баҳоси 1 сўм.

А. Ғуломов, З. Ма'руфов, Т. Шермуҳамедов. — «ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ». II қисм. 6—7-нчи синфлар учун. Редактори — **С. Фузаилов.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 70.000, 132 бет, баҳоси 1 сўм 40 тийин.

А. Косминский. — «ЎРТА АСР ТАРИХИ». 6—7-нчи синфлар учун. Редактори — **Т. Валиев.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 80.000, 364 бет, баҳоси 3 сўм 85 тийин.

В. Ф. Шалаев, Н. А. Риков. — «ЗООЛОГИЯ». 6—7-нчи синфлар учун. **А. Қосимов** таржимаси, редоктори — **В. Раҳимов.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 65.000, 294 бет, баҳоси 4 сўм 20 тийин.

А. Киселев. — «АЛГЕБРА». 1-нчи қисм, 6—7-нчи синфлар учун. Редактори — **М. Одилов.** Ўздавпеднашр. 1950 йил, тиражи 80.000, 131 бет, баҳоси 1 сўм 35 тийин.

А. Киселев. — «ГЕОМЕТРИЯ». 1-нчи қисм. 6—8-нчи синфлар учун. **Р. Искандаров** таржимаси, редактори — **М. Собиров.** Ўздавпеднашр, 1950 йил, тиражи 65.000, 208 бет, баҳоси 3 сўм 10 тийин.

Илғор совхоз йиғим-терим арафасида

Катта йўлдан чап томонга бурилгач, бирнеча километрга чўзилган кенг ариқ ёқалаб кетган тўғри йўл бошланади. Ариқнинг икки четига экилган мирзатераклар бу ерга келучиларга пешвоз чиққандай, саф тортиб турадилар. Баланд ариқнинг ҳарқаер-ҳарқаерида қурилган цемент қулоқлардан бир меёрда оқиб тушаётган сув икки томондаги пахтазорнинг сон-саноқсиз эгатларига таралиб, ерга сингиб кетмоқда.

Бригаданинг ариқ устига қурилган баҳаво дала шийпони шинам безатилган. Шийпондан туриб, атрофга қарасангиз, тўрт томони уфққа туташган кўк денгиздай поёнсиз дала кўринади. Бу ерлар «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг пахтазори.

Эгат оралаб борамиз. Шовдираган кўсаклар тиззага урилиб, қадам ташлашга имкон бермайди. Кўсакларни санаб кўрамиз. Бунисида 38, наригисида 56, анов якка тупда 87 та. Бригада бошлиғи ўртоқ Исматуллаев бизга «Эркак шох» деб аталган ёнғоҳларда ҳам 6—7 тадан кўсак олган ғўзаларни кўрсатади. Бу—ўз вақтида яхшилаб чекана қилинганликнинг натижаси, — дейди у.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбонали Эрматов бошлиқ звенонинг участкасидаги ғўзаларда бирорта ҳосил олмаган шохни топаолмайсиз. Бу звено билан мусобақадош юзентнерчи ўртоқ Қамбар Эрназаров звеносининг ғўзалари ҳам худди шундай.

Шунга қарамай далада ҳали иш тўхтатилган эмас. Фақат бошларигина кўриниб, ғўзани чопиқ қилаётган ишчиларни учратиш мумкин. Трактурчилар «универсал»га тўсиқ ўрнатишдан ташқари, ғўзани шикастлантиришни мумкин бўлган қисмларга латта ўраб, бемалол культивация қилмоқдалар. Совхозда кечаги кунининг ўзида 180 гектар ғўза культивация ва 165 гектар чопиқ қилинган.

Яқинда шу ерда совхознинг бўлим ва бригада бошлиқлари, агрономлар, механиклар иштирокида маслаҳат мажлиси чақирилиб, ғўзанинг сўнгги парвариши ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. Бунда яхши ўсмаган ғўзаларни 10—12 кун ичида яна бир марта парвариш қилиш, табақалаб суғориш, ҳашаротга қарши курашни кучайтириш, ариқ ёқалари, марза ва уватлардаги ёввойи ўтларни қириб тозалаш тадбирлари белгиланди.

Маслаҳат мажлисида пахтани 1 сентябрьдан ёппасига теришни бошлаш учун қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида совхоз директори ўртоқ Зокировнинг ахбороти эшитилди.

Совхозда бу йил ғўзалар анча барвақт етилаётганлиги юқори ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг тўла бажарилишидан далолат беради. Лекин шунга қарамай, совхозда ғўзани парвариш қилиш то ҳосил етилгунча давом эттирилиши зарурлиги уқдирилди. Шу билан бирга, захкаш ерларда кўсакларни тезроқ очилтириш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Шу мақсадда совхозда захкаш ерлардаги ариқзовурлардан 20 минг кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиб олинади. Бунинг учун ҳозир 2 та экскаватор машинаси ишлаб турибди.

Совхозда 7 та пахтачилик бўлими бор. Шулардан 5 тасида йўл-кўприклар ремонт қилиниб бўлди, 7 километр ерга шағал тўкилди. Бундан ташқари, Чирчиқ билан Оҳангарон ўртасидаги катта тош йўл ҳам ремонт қилинмоқда. Ҳозиргача 11 та кўсак чувиш машинасидан 6 таси ремонтдан чиқариб, тахт қилинди. Кўсак чувийдиган ва пахта терадиган машиналарга ёрдам бериш учун иккита кўчма ремонт ишхонаси ишлайди. Булар темирчи, слесарь ва механиклар билан тўла таъминланади. Совхоз бўйича ҳар қайси бригадада 3 тадан хирмон жойи тайёрланиши керак. Планга мувофиқ, хирмон жойларининг ҳаммаси 20 августгача сомонли лойга қум аралаштириб сувалади. Бундан ташқари, шу муддатгача ҳамма бўлимларнинг пахта пунктлари ремонтдан чиқарилади. Планга мувофиқ, совхоз бўйича 4 минг этак, 15 қоп тайёрланиши керак. Бу йил совхозда 2.250 гектар пахта майдонининг 1.200 гектаридаги пахта машиналар билан терилади. Бу эса пахтани машина билан теришга пухта тайёргарлик кўришни талаб этади. Шунинг учун ҳам совхоз маъмурияти бу ишга зўр ҳозирлик кўрмоқда. Совхозда ишлаши лозим бўлган 35 та СХМ—48 пахта териш машинасидан 20 таси келтирилди. Бу машиналарда ишлаш учун мавжуд 15 та ҳайдовчи — механикдан ташқари яна 30 та ҳайдовчи, 7 та механик тайёрланаётир. Бу йил пахта ташишда 18 та автомашина ишлаши керак. Шулардан 6 таси ҳозир ремонтдан чиқарилди. Қолганлари ҳам 25 августгача тахт қилинади.

Ҳозир пахтаси машина билан терилади-ган участкалар ажратилиб бўлди. Энди шу ерларни машина билан теришга мослаштириш юзасидан барча агротехника тадбирлари амалга оширилмоқда, ғўзаларнинг баргларини сунъий йўл билан тўкиш учун битта аэроплан, 2 та трактор тайёрланди ва 30 тонна дори келтирилди.

Ўтган йили баъзи бўлим ва бригадаларда машина билан теришга ажратилган участкаларнинг пахтасини қўл билан териб юборилган эди. Бу йил ана шундай аҳволларга йўл қўймаслик учун, ҳамма бўлим ва бригада бошлиқлари қаттиқ огоҳлантирилди. Шу билан бирга уларга машина билан териладиган қарталарнинг атрофини текислаш, машиналарнинг ишлаши учун қулайлик туғдирадиган ҳамма ишни бажариш юзасидан тегишли топшириқ берилди.

Совхоз ўзини юқори сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш юзасидан бирнеча йилдан бери жиддий иш олиб бормоқда. Совхоз коллективи олдига келгуси йилда ҳамма ерга экиш учун ўзида юқори сифатли уруғлик етиштириш вазифаси қўйилган. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб уруғлик учун энг яхши, юқори ҳосилли ва ҳашарот билан зарарланмаган участкалар ажратилди. Бу ердаги ғўзадарнинг пахтасини алоҳида териб олиш учун барча агротехника тадбири кўрилаётир.

Биз 4-нчи бўлимга қарашли ўртоқ Марайимжон Исматуллаев бошлиқ бригаданинг дала шийпонидамиз. Кундуз соат 2. Совхознинг барча ишчилари, трактурчилари ўз дала шийпонларида дам олмоқдалар, пахта йиғим-терими ҳақида бир-бирлари билан суҳбатлашмоқдалар. Шу пайтда дала шийпонларидаги ҳамма радиоприёмниклардан «Жонон» марши янграб кетди. Диктор эълон қилди:

— Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитиришимизни бошлаймиз!

Ҳамманинг диққати радиога қаратилди. Совхоз ишчилари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни уюштириш тўғрисида»ги қарорини диққат билан тингладилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарори совхоз ишчиларини пахтадан яна ҳам мўл ҳосил етиштириш, йиғим-теримга тайёргарликни кучайтиришга руҳлантирди.

Қарор муносабати билан совхоздаги барча ишчилар ва уларнинг оилалари мажбурият олмоқдалар. Ўтган йили 6—7 минг килограммдан пахта терган Нуриниса Номозбоева, Мунисхон Исматуллаева, Маҳбуба Худоёрова каби стахановчи теримчилар бу йилги мавсумда 10 минг килограммдан пахта теришга ваъда бердилар.

А. ШОРАҲМЕДОВ.



Тошкент область, Ўртачўрчиқ районидаги Карл Маркс номли колхозда ғўза зараркунандаларига қарши кураш намуналарини олиб борилмоқда. **Суратда:** химизаторлардан А. Аҳмедов ва Б. Обидбоев ўртоқлар ғўзаларга дори сепмоқдалар. **И. Глауберзон фотоси.**

Колхозларнинг ери кенг ва яхлит бўлсин

ФАРҒОНА. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). 15 августда Фарғона область театри биносида МТС ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгашга область-даги МТС директорлари, агрономлар, механизаторлар, илғор трактурчилар ҳамда область партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва ер органларининг ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда СССР Пахтачилик министри ўртоқ Усмон Юсупов ер қарталарини кенгайтириш ва бу соҳада механизаторларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Ўртоқ Юсупов колхоз қурилишининг олдимумул талабалари ҳақида, Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги остида ва совет ҳукуматининг ёрдами билан колхозлар қудратли машиналар, минерал ўғитлар олаётганлиги, уларга кўплаб мутахассис кадрлар ёрдам бераётганлиги ва шу асосда ҳосил борган сари ошиб бораётганлиги тўғрисида гапирди.

Докладчи пахтачиликнинг бундан кейинги истиқболи тўғрисида тўхтаб, пахта майдонини кенгайтириш, ерларни яхлитлаштириш пайти келди, деди. Ерларни яхлит қилмай туриб механизациями кучайтириб бўлмайди.

Ўртоқ Юсупов яқин бирнеча йил мобайнида пахта майдонини икки-уч баравар кенгайтириш, бунинг учун экишдан тортиб то теримгача ҳамма ишни машиналаштириш, жуда зарур бўлган ҳоллардагина баъзи ишларни қўл кучи билан бажариш ҳақида гапирди, Фарғона область колхозларидан кўпгина мисоллар келтирди ва бирмунча қимматли йўл-йўриқлар кўрсатди.

Докладчи сўзининг охирида ерларни яхлитлаштириш ва деҳқончилик ишларини машиналаштириш учун кўплаб мутахассис кадрлар кераклиги, уларни ҳозирдан бошлаб тайёрлаш зарурлигини уқдириб ўтди.

Докладчи тут кўчатларини тартибли равишда ўтқазиш, баъзи жойлардаги ёш тут дарахтларини пахта майдонларидан кўчириб олиб, бошқа ерларга ўтқазиш кераклиги ҳақида ҳам тўхталди.

— Ҳукуматимиз, — дейди ўртоқ Юсупов, — ерларни текислайдиган, дарахтларни кўпариб оладиган, ҳатто иморатларни бир жойдан иккинчи жойга кўчирадиган машиналарни ишлаб чиқармоқда. Бу машиналар яқин йиллар ичида кўплаб ишга солинади. Ўзбекистон пахта далаларида энг кичик қарта 5 гектардан тортиб 20—30, ҳатто 50—100 гектаргача бўлиши керак.

Докладчи, мана бу чоралар йиринкла, шиб бораётган колхозларда пахтадан яна ҳам мўл ҳосил олинишини таъминлайди, деди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланди. Охунбобоев райондаги 1-нчи МТСнинг директори ўртоқ Нуриддинов ўз сўзида майда участкаларда тракторларнинг юриши қийинлиги, тез-тез бузилиши, ёнилғининг кўп сарфланиши ва ҳосил кам бўлишини характерли мисоллар билан исботлаб берди. Биргина «Совет» колхозининг 30 гектар пахта ери 128 бўлакдан иборатдир. Бу ерларда тракторни ишлатиш учун ёнилғи уч баравар кўп сарфланади. Икки баравар ортиқ вақт кетади. Шунингдек, машиналарнинг қисмлари ҳам тез ишдан чиқади.

Водил район партия комитетининг секретари ўртоқ Соҳибий районнинг колхозларида кўпчилик ерларнинг қартаси майда бўлаклардан иборат бўлганлиги орқасида механизациядан фойдаланмасдан, кам ҳосил олинаётганлигини айтди. Ҳозир колхозлар йириклашиб, баъзи колхозлар 1.500 гектарга пахта майдонига эга бўлмоқда. Бунинг натижасида 20 — 30 гектарлаб яхлит қарталар пайдо бўлмоқда.

Сўзга чиққан бошқа ўртоқлар ҳам колхозларнинг ерини яхлитлаштириш жуда зарур эканлиги ва бу тадбир ҳосилни оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини уқдириб ўтдилар. Улар ғўзага ҳашарот тушиши ҳам ана шундай майда участкаларда кўпроқ юз беришини таъкидладилар.

Фарғона область партия комитетининг секретари ўртоқ Маҳмудов ўз сўзида партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қилаётган ғамхўрлиги ҳақида гапириб, колхозларни йириклаштириш ва уларнинг ерини яхлитлаштириш, пахтачилигини механизациялаштиришнинг даст. лабки якунлари ҳақида тўхтади ва бу ишни янада кучайтириб юбориш зарурлигини уқдириб ўтди. Ўртоқ Маҳмудов бунинг учун кўплаб мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлигини ҳисобга олиб, СССР Пахтачилик министрлигидан Фарғонада пахтачилик институти очишни илтимос қилди.

Кенгаш қатнашчилари бу йил етиштирилган мўл пахта ҳосилини нобуд қилмай, уюшқоқлик билан йиғиштириб олиб давлатга топшириш, кузги-қишки ишларни барвақт бошлаб юбориш ва ерларни яхлитлаштиришни тез сур'ат билан олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

1951 йилдаёқ Фарғона областида 500 дан то 2 минг гектаргача ерга эга бўлган ва ер қарталари 5 гектардан то 50—100 гектаргача яхлитлаштирилган колхозлар вужудга келади. Бу жойларда тракторлар бемалол юради ва барча иш машиналаштирилади.

Х. ИКРОМОВ.

Чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилмоқда

Фарғона область, Киров район, Кулол қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозининг аъзолари чорва молларининг қишки озуқаси учун ем-хашак тайёрлашга катта эътибор бермоқдалар. Колхознинг 60 гектар бедазоридан ҳозиргача 200 минг боғ беда ўрилиб, ғарамлаб қўйилди. Бундан ташқари, 10 минг боғ пичан тайёрланди.

Колхоз правлениеси (раиси Ҳасанов, партия ташкилотининг секретари Эргашев ўртоқлар) молхона ва отхоналарни ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйди. Ҳозир янгидан катта молхона қурилмоқда.

С. ОХУНОВ.

Тинчлик карвонлари келмоқда

Тошкент область, Паркент районининг колхозчилари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйганларида, қўшимча мажбурият олган эдилар. Улар ҳозир бу мажбуриятни шараф билан бажармоқдалар. Яқинда райондаги тайёрлов пунктига ғалла ортган биринчи тинчлик карвони келган эди. 10 августда район марказига ғалла ортган иккинчи тинчлик қизил карвони кириб келди.

Шу куни «Коммуна» колхози 145, Молотов номли колхоз 107 центнер, Ленин номли колхоз 143,4, Энгельс номли колхоз 74, Киров номли колхоз 51, «Победа» колхози 40 центнер ғалла топширди. Тайёрлаш пунктларига ғалла ортган тинчлик карвонлари бирин-кетин кириб келмоқда.

Р. НОРЖИГИТОВ.

Эгамбердиевларнинг ножўя ҳаракатлари

Маҳалла комиссияси маҳаллий советнинг вакили ҳисобланади. Ҳукуматимизнинг барча топшириғи биринчи галда маҳалла комиссиялари орқали амалга оширилади ва меҳнаткашларга етказилади. Шунинг учун ҳам маҳалла комиссияларига ишчан, садоқатли кишилар сайланиши керак.

Шаҳарларимиздаги маҳалла комиссияларига сайланган кишиларнинг кўпчилиги шундай кишилар, Улар ҳукуматимизнинг топшириқларини бажариш учун астойдил курашадилар. Лекин баъзи маҳалла комиссияларига сайланган кишилар орасида ўзининг шахсий манфаатини кўзловчилар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Тошкент шаҳар, Сталин район, 1-нчи Оқлон маҳалла комиссиясига бирнеча марта шундай тасодифий кишилар сайланди, Булардан бирнечаси ярамас ишлари учун жиноий жавобгарликка ҳам тортилди. Лекин кейинги сайланган маҳалла комиссиясининг айрим аъзолари бундан тегишли хулоса чиқармадилар. Маҳалла комиссияси раиси нинг ҳозирги ўринбосари Карим Эгамбердиев ҳам шундай кишилар жумласига киради.

Карим Эгамбердиевнинг умуман ўтмиши қоронғи. У бирнеча йилдан бери бирор ташкилотда ишламайди. Номаълум даромад ҳисобига яшайди. У маҳалла аҳолисидан қонунга хилоф равишда ҳар ойда 1200 сўм «қоровул пули» йиғиб олади ва бу пулни истаган нарсасига сарфлайди.

Карим Эгамбердиев кўпчилик билан ҳисоблашмай иш кўради ва софдил кишиларни менсимайди. У нимани истар экан, шуни қилаберади. Масалан, у, Юнусхўжа Турсунхўжаевнинг ҳовлиси сотилганида ҳовли олучи Собир Боқиевдан 1000 сўм, Усмон Мирбобоев деган кишидан 1700 сўм «ширинкома» олди. Маҳаллада Ҳалил Раҳимов деган киши яшайди. Эгамбердиев бу кишининг уйига зўравонлик қилиб, рўзғорини кўчага ирғитиб ташлади, мирзанинг бузиб, уни ёш болалари билан бирга очиқда қолдирди ва ўзи учун бу ерга иморат ҳам солиб олди. У, Л. Мўминова ҳовлисини «Ғафур Шокировга тегишли» деб, қалбаки справка ҳам ёзиб берди. Шу маҳаллалик А. Орипов устидан туҳмат материаллар уюштирди.

Карим Эгамбердиевнинг бундай ножўя ҳаракатлари жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб тугатиб бўлмайди. Маҳалла меҳнаткашлари Карим Эгамбердиевнинг қонунга хилоф ишлари тўғрисида бирнеча марта қатъий талаб қўйдилар. Лекин Эгамбердиев ҳамон хиёнатини давом эттирмоқда.

Яқинда маҳалла комиссиясига сайлов ўтказилди. Сайлов йиғилишига камида 1000 киши иштирок қилиши лозим эди. Сайлов йиғилиши тайёргарликсиз ва тўсатдан ўтказилди. Натижада, кўпчилик сайлов йиғилишидан хабарсиз қолди. Сайловни ўтказишга район ижроия комитетидан вакил бўлиб келган ўртоқ Биходжаев ҳам масалага юзаки қарадн. Мажлисга ҳаммаси бўлиб 129 киши қатнашди. Йиғилишга келганлар Карим Эгамбердиевнинг ножўя ҳаракатларини ўз-ўзини танқид асосида очиб ташламоқчи бўлган эдилар, бунга йўл қўйилмади. Сайлов йиғилишида Карим Эгамбердиевнинг лаганбардорлари, шу жумладан, ўртоқ О. Биходжаев танқидга йўл қўймадилар. Натижада, кўпчиликнинг хоҳиши бўлмаса ҳам, Карим Эгамбердиев маҳалла комиссиясига сайланди.

1-нчи Оқлон маҳалла комиссиясининг камчиликлари ҳақида ва бу маҳаллада сиёсий тарбия ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш кераклиги тўғрисида кўпдан буён гапирилади. Аммо буларнинг ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолмоқда. Сталин район ижроия комитетининг раҳбарлари айниқса 1-нчи Оқлон маҳалласига етарли эътибор бермай, жиддий камчиликларнинг содир бўлишига сабабчи бўлмоқдалар.

Район ижроия комитетининг раҳбарлари бу маҳалла иши билан шуғулланишлари ва маҳалла меҳнаткашларининг сигналларига жиддий эътибор бериб, уларнинг талабини амалга оширишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Суд ҳукми қачон амалга ошади?

Мен 1943 йилда коммунист Шаҳоб Шоюсуповга турмушга чиқдим. У билан икки йил бирга яшадим. Шу вақт ичида у менга уйланмасдан илгари айтган сўзларининг биронтасининг ҳам устидан чиқмади. Мени ҳам илгариги хотини каби хўрлайбошлади. Ниҳоят, у мени уйидан ҳайдади. Мендан кейин, учинчи марта, Турсуной Абдуллаевага уйланиб, бир ярим йилдан кейин: «сен бизга муносиб эмассан» деб, уни ҳам ёш боласи билан хўрлаб жўнатди. Шуниси ажабланарлики, Абдуллаеванинг боласи учун 150 сўмдан нафақа олиш ҳақида чиқарилган суд ҳукми ҳам Шоюсуповга ёқмади. Шоюсупов норози бўлиб, халқ судига ариза берди. Москва район, 2-нчи бўлим халқ судининг илгариги раиси, қонунга хилоф равишда иш кўриб, нафақанинг ярмисини Шоюсуповнинг онаси Робиа Маҳмудова олсин, деб ҳукм чиқарди.

Ўртамизда Шорустам деган ўғлимиз бор. У 7 ёшга тўлди. Шоюсупов 5 йилдан бери ўғлимнинг мен билан туришига қаршилик қилиб келмоқда. Ўғлимни қайтариб олиш учун судга мурожаат қилдим. Сўнгги марта иш Октябрь район судида 3-нчи бўлим халқ судида кўрилди. Суд раиси ўртоқ Қосимова менинг оналик ҳурматимни эътиборга олмай, ўғлимни Шоюсупов билан қолдириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ниҳоят, Ўзбекистон ССР Олий Суди шикоятимни тўғри ҳал қилди. Ўғлим Шорустамни қайтариб бериш ҳақида ҳукм чиқарилди. Бу ҳукмни Москва район 2-нчи бўлим халқ судининг ижрочиси ўртоқ Алимов ижро этиши ва ўғлимни менинг тарбиямга олиб беришга керак эди. Лекин ижрочи суд ҳукмини ижро этишга эътибор бермади. Суд ижрочиси ҳам айбдорлар томонида турди, улар ўғлимни яшириб, қаёққадир олиб кетдилар.

Мени бунчалик хўрлаётган ва сарсон қилаётган Шаҳоб Шоюсуповдир. У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси томонидан Москвага ўқишга юборилган. У, Москвада ўқиб туриб, мени онаси Робиа Шомаҳмудова ва поччаси Э. Мавлонов орқали хўрламоқда.

Мен ишлайман, ўғлимни ўқитиб, тарбия қилиш қўлимдан келади. Ўғлимни хотин олиб-хотин қўйишга одатланган, эскилик қолдиқларига ўралиб қолган Шоюсупов ва унинг оиласидан нўра ўзим яхшироқ тарбия қилаоламан.

Тегишли ташкилотлардан менинг қонуний талабимга эътибор беришни, ўғлимни олиб беришларини, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлган Шаҳоб Шоюсуповга нисбатан чора кўришларини талаб қиламан.

Қ. АЮПОВА.

Босилмаган хабарлар изидан

«Қизил Ўзбекистон» редакциясига келган бир хабарда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ўзбек фольклорининг энг яхши асарларини етарли даражада тўплаб, нашр қилиб чиқармаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директори ўртоқ М. Т. Ойбек хабарда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси халқ оғзаки адабиёти намуналарини нашр қилиш соҳасидаги қолоқликни тугатиш, ўзбек фольклорини тўплаш, ўрганиш ва улардан энг яхшиларини систематкик нашр этиб бориш ва бирмунча фольклор китобларини 1951 йил май ойигача нашрдан чиқариш ҳақида амалий тадбирлар белгилади.

Фош қилучи буюк адиб

(ОНОРЕ БАЛЬЗАК ВАФОТ ҚИЛГАН ҚУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА)

Капитализм жамиятининг кирдикорларини фош қилган оташин адиб Оноре Бальзакнинг ғазабли овози юз йилдан ортиқ вақтдан бери «Одамзод комедияси» саҳифаларидан садо бериб турипти.

Машҳур француз ёзувчиси Оноре Бальзак 1799 йил 20 майда Тур шаҳрида туғилди. Бальзакнинг бобоси Лангедон қишлоғининг деҳқони, отаси эса вилоят тўраси эди. Бальзаклар оиласи 1814 йилда Парижга кўчиб келди. Бальзак ҳуқуқ мактабида ўқиди, нотариуснинг котиби бўлиб ишлади. Бальзак 1819 йилдан бошлаб адабиётга берилди. Унинг 1829 йилда ёзган «Шуанлар» номли тарихий романи кейинчалик ёзилган бирмунча асарларга негиз қўйди. Адибнинг асарлари «Одамзод комедияси» номи билан тўпланган дир.

Бальзакнинг «Одамзод комедияси» номли монумент асари ўнлаб роман ва повестьлардан ташкил топган. Бальзак бу асарда Франция тарихий тараққиётининг 1816 йилдан 1848 йилгача бўлган катта даврини, капиталистик тартиб ҳукмрон бўлиб қолган даврни акс эттирди. Энгельс «Одамзод комедияси»ни «француз жамиятининг энг ажойиб реалистик тарихи» деб атаб, Бальзак воқи'ликни гоят кенг кўламда қамраб олганини ва бу воқи'ликни чуқур акс эттирганини таъкидлади.

Бальзак ўз замонида янги бўлган буржуазия жамиятини омонсиз равишда фош қилиб ташлади. Ёзувчининг қалами «замон қаҳрамони»нинг — номус ва виждондан маҳрум бўлган, бойлик орттириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, мал'ун ва қалби тош кишининг умумий образини чизиб берди.

Бальзак замонида капитализм ҳали юксалиш даврида эди, лекин буюк фош қилувчи адиб ўша вақтдаёқ капитализмнинг заҳарли яраларини кўрабилди, капитализмга хос бўлган йиртқичликни қоралади.

Бальзак ўз сиёсий қарашлари эътибори билан католицизм ва монархияга ишонар эди, легитимист эди. Унинг тарихий ва синфий маҳдудлиги ҳам шу ердан келиб чиққан. Энгельс буюк реалист адиб ҳақида ёзар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «Мен реализмнинг энг буюк ғалабаларидан бири, кекса Бальзакнинг энг қимматли фазилатларидан бири шу нарса деб ҳисоблайманки, Бальзак ўз синфий майлларига ва сиёсий эътиқодига қарши боришга мажбур эди, у, ўзи севган аристократларнинг қулаши муқаррар эканлигини кўрди ва уларни бундан кўра яхшироқ қисматга эга бўлмаган кишилар деб тасвирлади ҳамда келажакнинг чин инсонларини ўша вақтда топиш мумкин бўлган ягона муҳитда **кўрабилди**» (Маркс ва Энгельс. Танланган мактублар. Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, 1947 йил, 406 бет).

«Одамзод комедияси»даги жуда кўп образлар орқали буржуазия ижтимоий тузумига хос бўлган кишиларнинг қиёфаси очиб берилган. Бу нарса Маркс ва Энгельс томонидан «Коммунистлар партияси манифести»да буржуазия ижтимоий тузумига берилган характеристиканинг бадиий адабиётдаги реал ифодасидир.

«Буржуазия..., —дейиладн Манифестда, — кишининг шахсий қадр-қимматини алмашув қимматига айлантирди ва одамларга берилган ва курашиб олинган беҳисоб эркинликларни йўқ қилиб, беҳаё савдо эркинлигининг **якка ўзини** жорий қилди. Хуллас, диний ва сиёсий иллюзиялар пардаси билан қопланган эксплоатацияни очиқдан-очиқ, ўйлаб, нетиб турмасдан, тўғридан-тўғри ва қаттиқ эксплоатация қилиш усули билан алмаштирди» (Маркс ва Энгельс. «Коммунистлар партияси манифести». Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, 1948 йил, 49 — 50 бетлар).

Бальзакнинг «Одамзод комедияси»га кирган барча романларига пул ҳукмронлиги темаси асос қилиб олинган. «Цезарь Биротгонинг юксалиши ва қулаши» романидаги Биротто, «Евгения Гранде» романидаги Гранде, шунингдек Гобсек, Нусенгенлар яшаб турган дунё ҳам даҳшатли дунёдир, бу дунёда ҳамма нарса омонсиз бойлик ортдириш худосига қурбон қилинади.

Бальзак клапарон ва нусенгенлар каби катта-кичик йиртқичлар «фаолияти»нинг халққа қарши, текинхўрлик моҳиятини фош қилади, улар борган сари соҳта корхоналар ташкил этиб, минглаб соддадил камбағалларни хонавайрон қилишликларини очиб ташлайди. Бальзак бу каби «бойлик орттириш қаҳрамонлари»дан бири ҳақида шундай деб ёзди: «Унинг учун банк қичкина министрликдир, давлат моллари, вино, жун, бўёқ — хуллас, бойлик келтириладиган ҳамма нарса шу кичик министрликка тўпланади. Бу молия ҳўкайини депутатларни ҳукуматга ва грекларни туркларга сотиб юборишга тайёр... Бу нуқтаий назардан банк—сиёсатнинг ўзидир...» («Нусенгеннинг банкхонаси»). Оилани, дўстларни, ватанни сотишга ва шулар билан чайқов қилишга тайёр бўлган кишилар сиёсий ва ижтимоий фаолиятга савдогарлик фаолиятининг табиий давоми деб қарайдилар. Чунончи, «Цезарь Биротто» асаридаги ака-ука Келлер ёки «Қадимги замон музейи» асаридаги ўзини халқнинг **«ҳимоячиси»** деб кўрсатучи «либерал» партиянинг раҳбари дю Круазье шундай деб қарайдилар. Эндиликда халқларнинг миллий, ҳаётий манфаатларини очиқдан-очиқ сотаётган империалистик корчалонларнинг ота-боболари шундай кишилардир.

Бальзак «Қишлоқ домласи» номли асарида: «Ватанпарварликни келтириб чиқарувчи ижтимоий манфаат қонуни шахсиятпарастлик орқасида келиб чиқадиган айрим шахслар фойдаси қонуни томонидан бир лаҳзада барбод қилинади» деб ёзган эди. Адибнинг бу сўзларида даҳшатли ҳақиқат бор. Бальзакнинг газаб тўла бу сўзлари халқларни америка капиталига сотган ҳозирги Франция, Англия, Италия ҳукмронларига бевосита тааллуқлидир.

Бальзак буржуа ва аристократ оиласининг бузилиш манзарасини гоят катта драматик куч билан тасвирлаб берди. «Горио ота» номли романида ёзувчи буржуа оиласининг аҳлоқий-ма'навий бузилишини батафсил чизиб берди. «Шахсий фойда» қонунларига асосланган жамиятни Бальзак Горио ота тилидан қуйидагича омонсиз лаънатлайди:

«Оталар бахтли бўлиш учун ҳарқачон тухфа беришлари керак. Ҳамма вақт тухфа бериш—ота бўлиш демакдир».

Горионинг қизлари бор. Горио «тухфа» беришга қодир бўлганида, улар уни ота ўрнида кўрадилар. Кейин, уни уйларидан ҳайдаб чиқарадилар. Қашшоқ ва гадой бўлган Горио қариган чоғида болалари томонидан ҳайдалиб, оталик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, ёлғизликда ўлиб кетади. Мана шу романнинг ўзида миллионер Тайфер қизини кўчага ҳайдаб чиқариб, уни қашшоқликда яшашга маҳкум этади.

Бальзак «Йўқотилган ширин орзулар» романида чиркин капиталистик матбуотнинг сотқинлигини абадий фош қилиб ташлади.

Ғоявий чайқовчиликнинг тимсоли бўлган журналист Люсто бундай дейди: «Сиёсий дунё адабий дунёдан анча яхшироқдир, деб ўйламанг: мана шу ҳар иккала дунёда ҳам ҳамма нарса чайқовга асосланган...» Бальзакнинг омонсиз фош қилувчи бу сўзлари ҳозирги замон буржуа-капиталистик матбуотининг сотқин қаламкашларига тўғридан-тўғри тааллуқлидир.

Бальзак «Деҳқонлар» романида капитализм давридаги «қишлоқ ҳаётининг қабоҳати» ҳақида, француз деҳқонларининг оч ва ялангоч турмуши, уларнинг нодонликка ботуви қилиниши тўғрисида ёзди. Бу романда деҳқонларнинг қоронғу турмуши кўрсатиб берилди. Роман сақифаларидаги тасвирлар ҳозирги буржуазия мамлакатларидаги, миллион миллион деҳқонлар оммаси зулм остида эзилаётган мамлакатлардаги аҳволни ҳам кўрсатиб беради.

Бальзак республикачиларни халқ ҳуқуқларининг ҳимоячилари деб атайди. Адиб «Йўқотилган ширин орзулар» романида д' Артез тўғараги аъзоларининг аҳлоқий софлигини, ғоявий мардлиги ва олижаноблигини таъкидлайди, Ёзучи некса соҳибкор, якобинчи Незрон ҳақида шундай деди: «... У, темирдай мустаҳкам, олтиндай соф одам. Халқ ҳуқуқларининг ҳимоячиси» («Деҳқонлар»).

Бальзак жамиятдаги барча моддий бойликларни яратучи халқдир, халқ ўз қўли билан «чинни ишлаб чиқаради ва чинига ҳеч беради...; пахта етиштиради, шиша ишлайди, олмас йўнади, мадан созлайди, мармарни қимматбаҳо буюмга айлантиради, тош йўнади, ҳарқандай фикрни бутун ғўзаллиги билан рўёбга чиқаради...» («Тилла қўзли қиз») деб ёзди. Бальзак чиркин, лекин бойлик туфайли «юқори табақа» деб аталганлар билан бирқаторда, халқ, камбағаллар борлигини, улар очликдан ва совуқдан азоб чекасалар, ўлиб кетсалар ҳам, ма'навий жиҳатдан соғлом эканликларини, аҳлоқий жиҳатдан соф ва чин инсонлар эканликларини кўп марта та'кидлаб ёзди. Бальзак асарларида, ғи қашшоқ Буржуа ёки кекса солдат Луи Вернье шундай кишилардир.

Ўзини «ижтимоий фанлар доктори» деб атаган Бальзакнинг таланти ўз замонидаги мулкий муносабатларнинг моҳиятини тобора чуқурроқ очиб бера бошлади.

Бальзакнинг кучи унинг воқи'лиқ билан яқин алоқада бўлганлигида эди. Гоят меҳнатсевар адиб бепоён ижодий фантазияга ҳамда ўткир кўзга эга эди. У, гоят меҳнатсевар бўлганлиги, турмушни жуда яхши билганлиги учун ҳам фавқулодда қисқа муддат ичида жуда кўп асар яратаолди. Бальзак ўз олдига замонасидаги ижтимоий воқиа, ларни чуқур ўрганиш, «мана шу ижтимоий воқиаларнинг умумий негизини... ўрганиш, сон-саноқсиз типлар, орзулар ва воқиалар тагида ётган ма'нони топа, билиш» вазифасини қўйди.

Буржуазиянинг кундалик ҳаёти юза, ки қараганда туссиз кўринса ҳам, бир хил ўтаётгандек туйилса ҳам, унинг тагида қалблар жанги борлигини, моддий манфаатлар жанги мавжуд эканлигини Бальзак кўрабилди. Мана шу моддий манфаатлар учун бўлган кураш буржуазиянинг турмушини очиқ ва яширин жиноятлар билан тўлдирди. Бальзак ўзининг диалоглар ва ўткир драматик воқиаларга бой бўлган романларини расмий қарорларга, жанглар ҳақидаги юзаки ахборотларга эмас, балки жангларнинг ўзига ўхшатади. У бунинг учун тўла ҳақли эди. Бальзак реализмининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, унинг асарларида турмушдаги типик воқиалар «мумкин қадар кўп умумлаштирилган, уларнинг моҳияти драматик жўшқинлик билан очиб берилган. Бальзак гоят кўп унутилмас образларни яратди, бу образлар ўзининг ижтимоий моҳияти ва психологик ўткирлиги билан мафтун қилади. Бальзак яратган образларда буржуаларнинг энг муҳим ижтимоий-синфий хусусият

Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Олий бош қўмондонининг буйруғи

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Олий бош қўмондони Ким Ир Сеннинг Совет Армияси Қурияни япон империализми зулмидан озод қилганига беш йил тўлганлиги муносабати билан чиқарган буйруғи эълон қилинди. Буйруқда бундай дейилади:

«Қуруқликдаги кучларимизнинг ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг жангчилари, командирлари, маданий ишлар ходимлари, партизанлар, ишчилар ва деҳқонлар, зиёлилар!

Ҳали озод қилинмаган районларда ҳозирча қуролли агрессорлар, я'ни америка империалистлари ва лисинманчи хоинлар зулми остида яшаётган биродарлар ва опа-сингиллар!

Қурия халқ-демократик республикаси ҳукумати номидан сизларни озодлигимизнинг 5 йиллиги — 15 август куни билан табриклайман!».

Буйруқда Қуриянинг шимолий қисмида маданий, сиёсий ва хўжалик қурилиши соҳасида беш йил ичида эришилган муваффақиятлар кўрсатилиб, бундай дейилади:

«Ўртоқлар! Бугун қурия халқи япон империализми зулмидан озод қилинганига 5 йил тўлган кунни Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигига ёвузларча қасд қилган америка қуролли интервентларига қарши адолатли озодлик уруши олиб бораётган кескин вазиятда кутиб олмоқда.

Душман бизнинг Халқ армиямизни биринчи зарба берилиши билан тор-мор қилинади ва қаршилик кўрсатаолмайди деб, бутун Қурия америка мустамлакасига ва Узоқ Шарқда уруш чиқариш плацдармига айлантирилади деб ўйлаган эди. Шу сабабли душман ҳамма халқаро ҳуқуқларни қўпол равишда поймол қилиб, ҳиёнаткорона равишда юртимизга ҳужум қилди. Лекин душман жуда янглишди. У, қуруқликдаги кучларимизнинг ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг кобилиятини, озодлик ва мустақиллик олишга қаттиқ бел боғлаган халқимизнинг бирлигини назарга олмади. Қуруқликдаги кучларимиз ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг, соқчи отрядларимизнинг, партизанларимизнинг сабот ва қаҳрамонлиги душманларнинг планларини чиппакка чиқарди».

Сўнгра буйруқда бундай дейилади: «Ватанимизнинг бутун территорияси америка қуролли интервентларидан тўла озод қилиниб, бутун Қурия тупроғида озодлик ва мустақиллик байроғи ҳилпиллайдиган вақтга кўп қолмади.

Ўртоқлар! Душман мағлубият кетидан мағлубиятга учрамоқда, аммо душман ҳали тўла тор-мор келтирилгани йўқ...

Қуруқликдаги кучларимизнинг ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг жангчилари, командирлари ва маданий ишлар ходимлари, партизанлар!

...Америка қуролли интервентларини ва уларнинг малайларини, я'ни хоинларни тор-мор келтириш, юртимизга бостириб кирган империалист агрессорларни қириб ташлаш сизнинг қаҳрамонлигингизга, мардлигингизга ва ҳарбий тайёргарлигингизга боғлиқдир. Ватан олдидаги бурчингизни фидокорона бажаришингизга боғлиқдир. Биз америкали агрессорларни юртимиздан қисқа муддатда ҳайдаб чиқарасиларга ва ҳайдаб чиқаришимиз керак. Қурия халқи бу юксак мақсадга эришиш учун ҳамма зарур шароитга эгадир. Шунинг учун қуруқликдаги кучларимиз ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг, жангчиларимиз, пулемётчиларимиз, миномётчиларимиз, танкчиларимиз, учучиларимиз ва денгизчиларимизнинг вазифаси ҳарбий билимни қунт билан ўрганиб, ўз қуролини мукаммал билишдан, ўз ишининг кўзини билган мастерлар бўлишдан, душманни бехато қира билишдан иборатдир. Ана шундай қилгандагина биз душманни тамомила қириб ташлай оламиз.

Қуруқликдаги ва денгиздаги кучларимизнинг барча жангчиларини ва командирларини озодлигимизнинг 15 августда байрам қилинадиган 5 йиллиги билан табриклаб ва қутлаб, буюраман:

1. Оддий жангчилар милтиқ ва автоматни мукаммал ўрганиб, ўз қуролларини яхши билган мастерлар бўлсинлар, душманга қарши бехато отсинлар ва америка агрессорларини қирсинлар.

2. Пулемётчилар, тўпчилар, миномётчилар, учучилар ва денгизчилар ўз қуролларини мукаммал ўрганиб, ўз ишларининг моҳир усталари бўлсинлар. Америка агрессорларини тамомила қириб ташласинлар. Ўз қуролларини сақласинлар ва авайлаб сақласинлар, ўқ-дори ва бомбаларни ўринли сарфласинлар. Ўзларини душман бомбардимонларидан ҳимоя қилабилсинлар, ҳарбий техниканы сақлайбилсинлар, ўлжа қилиб олинган биронта ҳам қуролни, ўқ-дориларни, бомбаларни ташламасинлар; уларни қолдирмай тўпласинлар ва улардан душманни қириш учун фойдаланабилсинлар.

Мамлакат ичкарисидаги ҳодимлар фронтни ўқ-дорилар ва ҳарбий техника билан доим пухта та'минлаб турсинлар, ўлжа қилиб олинган материаллардан яхши ва тўғри фойдалансинлар. Ҳарбий техникани ҳаво бомбардимонларидан сақлайбилсинлар, бузилган ҳарбий техникани тез тузатиб ва фронтни та'минлаб турсинлар.

3. Умумқўшин командирлари аскарларга бошчилик қилишнинг моҳир усталари бўлсинлар, қўшин турларининг ўзаро биргалашиб ҳаракат қилишларини усталик билан уюштирсинлар, душманни ўргансинлар, армиянинг кўзи ва қулоғи бўлган разведкани яхши уюштирсинлар, штабнинг а'ло ишлашини та'минласинлар, барча қўшин турларининг ҳаракатларига ва маневр қилиш тактикасига усталик билан раҳбарлик қилувчи стратеглар бўлсинлар, шундай қилиб, Қурия армияси ўз халқига бажонидил хизмат қилувчи армия, ўзининг юксак халоскорлик бурчини бажараоладиган армия эканлигини кўрсатсинлар. Қуруқликдаги кучларимиз ва ҳарбий-денгиз кучларимизнинг қаттиқ интизом, маҳкам тартиб ва якка бошчилик кучайтирилсин!

4. Бутун Қурия Халқ армияси ва флоти америка интервентлари армиясини ва лисинманчи кўғирчоқ қўшинларнинг қолдиқларини охиригача қирсинлар, шунга эришилсинки, 1950 йил август ойи Ватанимизнинг ҳамма ерини тамомила озод қилиш ойи бўлсин! Душманнинг янги мудофаа позицияларида мустаҳкамланиб олиши учун унга сра ҳам дам берилмасин. Душманни ваҳимага солингиз, унинг жонли кучларини қирингиз, ҳарбий техникасини яксон қилингиз. Душманларга сўнгги ўлим зарбаларини беринглар!

5. Партизанлар! Америка интервентларининг орқа томонида партизан урушини кучайтиринглар, душманнинг алоқа ва транспорт воситаларини бузинглар, душманнинг штабларини ва техникасини яксон қилинглар. Ватанимизга қасд қилган босқинчиларга қақшатғич зарбалар берингиз!».

ПХЕНЬЯН ШАҲАР ХАЛҚ КОМИТЕТИНИНГ ҚУРИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛГАНЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

ПХЕНЬЯН, 16 август. (ТАСС). Кеча кечкурун Пхеньянда шаҳар халқ комитетининг миллий байрамга, я'ни Совет Армияси қурия халқини япон империализми зулмидан озод қилганига 5 йил тўлганлигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлис зали Қурия ва Совет байроқлари билан, қурия халқининг халоскори, бутун дун'ё меҳнаткашларининг энг яхши дўсти улуғ Сталин портретлари, қурия халқининг йўлбошчиси Ким Ир Сен портретлари билан, шунингдек Халқ армиясини ва ички ишлар министрлиги қўшинларини табрикловчи шиорлар билан безатилган эди.

Тантанали мажлисда Пхеньян меҳнаткашларининг вакиллари, маданият ва санъат ходимларининг вакиллари, Жанубий Қуриядаги озод қилинган районларнинг делегацияси ҳозир бўлдилар.

Қуриядаги чет эл элчихоналарининг вакиллари, Венгрия медицина группасининг а'золари ва Қурияга дўст мамлакатлардан келган делегациялар меҳмон сифатида тантанали мажлисда қатнашдилар.

Кеч соат 8 да мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида министрлар кабинетининг раиси, Халқ армиясининг олий бош қўмондони Ким Ир Сен, Олий халқ мажлиси президиумининг раиси Ким Ду Бон, министрлар кабинети раисининг ўринбосарлари Пак Хен Ен ва Хон Мен Хи, республиканинг министрлари ва партия ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари президиумда ўз ўринларига ўтирадилар.

Тантанали мажлисни Пхеньян шаҳар халқ комитетининг раиси Ким Сен Хва очди.

Совет Армияси томонидан Қурияниинг озод қилинганига 5 йил тўлганлиги тўғрисида Ким Ир Сен доклад қилди. Мажлис аҳли уни самимий қутиб олди.

Совет Иттифоқининг Қуриядаги фавқулодда ва мухтор элчиси, Штиков, Венгрия элчиси ва Мўғулистон халқ республикасининг элчиси табрик нутқи сўзладилар. Улар адолатли озодлик урушини олиб бораётган қурия халқини табрикладилар ва унинг тўла ғалабага эришишни тиладилар.

Хитой делегацияси хитой халқи номидан Ким Ир Сенга байроқ тақдим этди.

Мажлис қатнашчилари гулдурос қарсаклар остида қурия халқининг энг яхши дўсти ва совет халқининг улуғ йўлбошчиси И. В. Сталинга табрик хати қабул қилдилар.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 16 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 16 август эрталаб ахборот эълон қилди. Ахборотда бундай дейилади: Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда ҳужум жангларини давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Хёнъхун (Гемпу) томонида ҳужум қилаётган қисмлари душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, 12 августда Хёнъхунни озод қилдилар. Хёнъхун Тэгу (Тайкю) нинг ғарби-жанубида душманнинг муҳим мудофаа пункти эди.

ПХЕНЬЯН, 16 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 16 август кечкурун қуйидаги ахборотни чиқарди:

Халқ армияси қисмлари Нактонган (Ракуто-Кс) дар'ёсининг шарқий соҳилида душманнинг танк ва артиллерия қисмлари ёрдами билан қилган қарши атакасини қайтардилар ва душманга кўп талафот етказдилар.

Бу томондаги жангларда ўлжалар ва асирлар олинди.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АМЕРИКА МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Америка мухбирларининг Қуриядан берган хабарларига қараганда, Шимолий Қурия қўшинлари Тэгу (Тайкю) дан шимолда ва жанубда Нактонган (Ракутонко) дар'ёсидаги позицияларини мустаҳкамламоқдалар.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг 24-нчи америка дивизияси билан бирга юрган мухбири берган хабарга қараганда, Қурия Халқ армиясининг қўшинлари Токсондон (Токусэйдо)дан 5 миля жанубда Тёньпхун (Гемпу) районида Нактонган дар'ёсидан ўтганлар. Мухбирнинг хабарига кўра, Шимолий Қурия қўшинлари Чхан Ен (Сионей) районида Нактонган дар'ёси бурилиб оққан жойда ўз позицияларини яна кенгайтирганлар.

ҚУРИЯДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ МУХБИРИНИНГ ХАБАРИ

ЛОНДОН, 16 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда америка қўшинлари билан бирга юрган мухбири Егвань (Икан) районида америка авиациясининг активлиги ошганлигини ҳабар қилади. Америка авиацияси Шимолий Қурия қўшинларининг Тэгу (Тайкю) га ҳужум қилишига тўсқинлик қилмоқчи бўлади.

Хабарларга қараганда, бу районда Шимолий Қурия қўшинларининг катта кучлари уч жойда Нактонган дар'ёсидан ўтганлар. Шимолий Қурия қўшинларининг бир колоннаси Тэгу томонига қараб илгари силжимоқда.

15 август кечкурун, — деб ёзади мухбир, — Шимолий Қурия қўшинларининг бронетанк қисмлари Тэгудан 12 миля шимолдаги жойга келиб етганлар деб ҳавотир бўлинган эди. Бу қисмлар Егвань яқинидаги позицияларидан ва Гуньи (Гун И) орқали жанубга силжиб бормоқдалар. 15 августда Шимолий Қурия қўшинларининг уч батальони Тэгудан бирнеча миля ғарби-жанубда ва Егвань яқинида Нактонган дар'ёсининг шарқий соҳилидаги истеҳкомлардан тахминан 15 миля жанубда Нактонган дар'ёсидан ўтганлар. Егваньдан Нактонган дар'ёсининг Масань (Масан)дан шимолдаги бурилиб оққан жойигача бўлган районда тўпланган Шимолий Қурия қўшинлари ҳозир 45 миля узунлигида бўлган бир фронтда бу дар'ёдан ўтиш билан таҳдид қилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари конгрессига сайлов олдидан

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Конгрессга бўладиган сайловлар (бу сайловда Америка Қўшма Штатлари сенати а'золарининг учдан бир қисми ва вакиллар палатасининг бутун состави қайтадан сайланади) масаласи Қуриядаги воқиалар муносабати билан иккинчи даражадаги планга қўйилиб, демократлар ва республикачилар партиялари ҳозирги вақтда қурия халқига қарши бошланган агрессияни қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан кўпроқ шуғулланмоқдалар. Броқ, сайловга уч ойдан ҳам кам вақт қолганлиги сабабли, ҳар иккала партия ўртасида Уолл-стритнинг агрессив программасини амалга ошириш ҳуқуқи учун кураш кескин тус олди.

13 августда республикачилардан Хикенлупер, Додж, Смит ва Уайли биргалашиб баёнот э'лон қилдилар. Улар бу баёнотда Трумэн ҳукумати сўнгги беш йил ичида, айниқса Узоқ Шарқда «коммунизм»га қарши етарли кураш олиб бормади деб та'кидлайдилар.

Баёнот авторлари Қуриядаги америка қўшинларининг мағлубиятга учрағанига давлат департаментининг Узоқ Шарқ масаласида тутган сиёсати сабаб бўлди дейдилар.

Баёнот авторлари Қуриядаги агрессияни ма'қуллаш билан бирга, бу авантюрани бор куч билан қувватлашга чақирадилар ва республикачилар Уолл-стрит программасини демократларга кўра яхшироқ бажаришлари мумкин деб да'во қиладилар.

14 августда демократ сенаторлар республикачиларнинг баёнотини кескин қоралаб чиқдилар. Сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси Коннэли мухбирлар билан қилган суҳбатида, республикачилар «очиқдан-очиқ сиёсий баёнот э'лон қилдилар, бу баёнотнинг сайловга та'сир қилиш ниятида чиқарилганлиги шубҳасиздир» деди. Коннэли республикачиларнинг ҳукумат томонидан юргизилаётган ташқи сиёсатни танқид қилишларига жавоб бериб, барча муҳим масалаларни ҳал қилишда республикачилар, айниқса Жон Фостер Даллес қатнашдилар, деди.

Сенатда нутқ сўзлаган сенатор Макмагон ҳам, республикачиларнинг баёноти сайловга доир мақсадларни кўзда тутади, деди.

Ассошиэйтед Пресс ва Юнайтед Пресс агентликларининг Вашингтондаги мухбирлари ана шу тортишувларни шарҳлаб, эндилиқда ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилиш сайловолди кампаниясининг марказида туражаги равшан, деб ёзадилар. Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири, иккала асосий партиядан ҳарбирн «жамоатчиликни Қуриядаги муваффақиятсизлик учун бошқа партия жавобгар деб ишонтирмоқчи» дейди.

«Нью-Йорк таймс» газетаси редакция томонидан ёзилган мақоласида, Қуриядаги воқиалар сайлов кампаниясида асосий масала бўлади, деб ёзади. Газета ҳар икки партияни ўзаро бир-бирларини айблашдан тийилишга чақиради, бу хил ўзаро тортишув ҳарбий ишларни сусайтириши ва Қуриядаги агрессия масаласида ихтилоф чиқариши мумкин, дейди.

Коммунистлар партияси ҳар иккала асосий партияни фош қилиб, тинчлик учун курашни кучайтирмоқда. Тараққийпарвар партия ҳам шундай фикрни қувватламоқда. Тараққийпарвар партиянинг раиси, Миннесота штатининг собиқ губернатори Бенсон мухбирлар билан қилган суҳбатида, Уоллесниинг иста'фо берганига қарамай мен ўз ва зифамда қоламан, деди.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ЖАҲОН КОНГРЕССИ ДОИМИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ

ПРАГА, 16 август. (ТАСС). Бутун Прагада профессор Фредерик Жолио-Кюри раислигида Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитети бюросининг мажлиси очилди.

Мажлисда Доимий комитетнинг раиси профессор Фредерик Жолио-Кюри, раис ўринбосарлари: Африка Демократик бирлашмасининг бош секретари Габриэль д' Арбусье, Жаҳон касаба союзлар уюшмасининг бош секретари Луи Сайян, Жаҳон демократик ёшлар уюшмасининг раиси Ги де Буассон, профессор Бернал (Англия); Чехословакия Миллат мажлиси раисининг ўринбосари А. Годинова-Спурна, Италия тинчлик тарафдорлари ҳаракати комитетининг раиси Пьетро Ненни, О. Жон Рогге (Америка Қўшма Штатлари) қатнашмоқдалар.

Мажлисда бирқанча мамлакатларнинг таклиф этилган отоқли жамоат ва маданият арбоблари, тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг актив қатнашчилари совет ёзувчиларидан И. Эренбург, А. Корнейчук ва В. Василевская, профессор Флетчер (Америка Қўшма Штатлари), Шарлотта Басс (Америка Қўшма Штатлари), аббат Булье (Франция), Жоржи Амаду (Бразилия) ва бошқалар бор.

Профессор Жолио-Кюрининг қисқача табрик нутқидан кейин айрим мамлакатларда Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясининг бориши тўғрисида Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг бош секретари Жан Лафитт доклад қилди.

Сўнгра мажлис қатнашчиларини Студентлар иккинчи жаҳон конгрессининг Студентлар халқаро союзи раиси Громан бошлиқ делегацияси табриклади. Шундан кейин Лафитт доклади юзасидан музокаралар бошланди.

ТРИЕСТ МЕҲНАТКАШЛАРИ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

СОФИЯ, 16 август. (ТАСС). Триестдан олинган хабарларга қараганда, тинчлик тарафдорлари қаттиқ та'қиб қилинишига қарамай ва тескарични матбуот тинчлик учун курашга қарши ва атом қуролини тақиқлашга қарши қутириб пропаганда юргизишга қарамай, Триестда ва Озод Триест Территориясининг «А» зонасида тинчлик тарафдорлари ҳаракати кенг халқ оммаси ўртасида борган сари кучаймоқда.

Ҳозирдаёқ 60 мингдан ортиқ киши Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди. Саноатнинг асосий тармоқларида ишлаётган ишчиларнинг, шунингдек докерларнинг 90 процентдан кўпроғи Стокгольм Мурожаатига имзо чекди. Темирйўлчилар ва шаҳар корконаларининг ишчилари ўртасида ҳам имзо тўплаш муваффақиятли бормоқда.

Словенлар яшаб турган кўп қишлоқларда аҳолининг 97—100 процента Мурожаатга қўл қўйди. Триест шаҳрининг турли маҳалларида ва қишлоқларда «Триест тинчликни истайди» деган шиор остида жуда кўп митинглар бўлмоқда.

ГОЛЛАНДИЯЛИЛАР АМЕРИКА МАНФААТИ УЧУН УРУШИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР

ГААГА, 16 август. (ТАСС). Матбуотда босилган хабарларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари Голландия ҳукуматини Қурияга қуруқликда ҳаракат қиладиган қўшинлар юборишга мажбур этиш ниятида Голландия ҳукуматига таз'йиқ қилишни давом этдирмоқда. Илгари хабар берилганидек, Голландия ҳукумати Қурияга икки рота (500 киши) юборишга ва'да қилган эди. Аммо «Де фольккрант» газетасининг хабарига қараганда, Қўшма Штатлар Қурияга Голландиядан ақалли 1 минг солдат юборишни талаб қилмоқда.

Голландиялилар, — деб ёзади «Де Ваархейд» газетаси, — тўп еми бўлишни истамайдилар. Шунинг учун ма'мурлар илгари СС қўшинларида хизмат қилган собиқ гитлерчилардан кичик бир группани уюштираолганлар. Лекин бу собиқ гитлерчилар ҳам Қурияга жўнаб кетишга шошилмаётирлар.

ВЕНГРИЯДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ ЯНГИ ОРГАНЛАРИ ТУЗИЛДИ

БУДАПЕШТ, 16 август. (ТАСС). Кеча бутун Венгрияда меҳнаткашларнинг тантанали мажлисларида маҳаллий ҳокимиятнинг янги органлари: пойтахтда район муваққат советлари, вилоятларда эса шаҳар ва округ муваққат советлари тузилди. Бу муваққат советлар маҳаллий Советлар сайлангунча ишлайдилар.

Ҳаммаси бўлиб 215 та янги совет, шу жумладан Будапештда 22 совет тузилди. Советларнинг а'золари Венгрия Мустақиллик халқ фронти томонидан кўрсатилган кишилардир, я'ни ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг ва зиёлиларнинг энг яхши вакилларидир. Советларнинг а'золари орасида хотин-қизлар ва ёшлар ҳам кўп.

АРГЕНТИНА МА'МУРЛАРИНИНГ УЗБОШИМЧАЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 август. (ТАСС). Бу ерда ма'лум бўлишича, Буэнос-Айрес кўчаларидан бирида икки совет граждани — белорус тилида чиқадиган «Наша газета» газетасининг муҳаррири Трофим Лашчук билан Венцеслав Савицкий ушланиб, Аргентина охранкасига («Сексион эспесиаль»га) олиб кетилган.

Аргентинанинг полиция ма'мурлари белорусларнинг ўзаро ёрдам жамияти ходимларига нисбатан ўзбошимчаликларини давом этдирмоқдалар. Ҳолбуки бу жамият Аргентина ма'мурларининг рухсати билан яшаб келаётган қонуний жамиятдир. Яқинда Аргентина полицияси совет граждани бўлган белорусларнинг ўзаро ёрдам жамияти биносига ҳужум қилиб, бинодаги деярлик ҳамма молмулкни олиб кетди. Ҳужум вақтида яна бир совет граждани, жамиятнинг секретари Чирук қамоққа олинди. Айни бир вақтда «Наша газета» нашр қилинадиган босмахонага ҳужум қилинди. Бу ҳужум вақтида газетанинг ходими Елизавета Спиридонова қамоққа олинди.

Аргентина пойтахтидаги илғор жамоатчиликнинг таз'йиқи билан охранка Савицкий, Чирук ва Спиридоноваларни қамоқдан озод қилди.

Полиция мухбирларни калтаклаган ва ҳақорат қилган. Мухбирларга икки кун овқат берилмаган. Охранка бошлиғи мухбир Спиридоновага, «Наша газета»да ишлашингиз ёмон оқибатларга олиб боради, деб дўқ қилган. Чирукни тўғридан-тўғри ўч олиш билан қўрқитиб, сизни ҳам Кальво сингари ўлдирамиз, деб дўқ қилганлар. Кальвони яқинда фашист босмачилар ўлдирган эди.

ҲИНДИСТОНДА ЕР ҚИМИРЛАШ

ДЕҲЛИ, 16 август. (ТАСС). Деҳли радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Шарқий Ҳиндистоннинг бирқанча районларида қаттиқ ер қимирлаганлиги ҳақида Деҳлида хабарлар олинди. Аммо уй-жойларнинг вайрон бўлиши ва кишилар орасида қурбонлар борлиги ҳақида ҳозирча ма'лумот йўқ.

Пуна метеорология станцияси жуда қаттиқ ер қимирлаганини ҳабар берди. Ер қимирлашнинг маркази Пунадан тахминан 1450 миля масофада. Ассам районида бўлса керак.



Яқинда Ўзбекистон ёш авиамоделчиларининг республика мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда Андижондаги Сталин номли 1-нчи мактабнинг ўқувчиси Н. Насриддинов республика бўйича янги рекорд қўйди. Унинг модели осмонда бир соат 2 минут учди. Бу билан у Бутун Иттифоқ рекордидан ўзиб кетди. Суратда: Н. Насриддинов.

А. Палехов фотоси.

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Одесса ва Москва шаҳарларида СССР биринчилиги учун «Б» классда ўйновчи футбол командалари ўртасида мусобақалар бўлди. Тошкент Офицерлар Уйи Одесса шаҳрида «Пищевик» командаси билан ва Москва шаҳрида Ҳарбий Денгиз Кучлари командаси билан учрашди. Ҳар икки ўйин ҳам тошкентлиларнинг мағлубияти билан тугади. Улар Одесса ва Москва командаларига 2:0 ҳисоби билан ютқаздилар.

Офицерлар уйи командасининг бундан сўнгги ўйинлари Тошкентда бўлади.

1200 ЎҚИТУВЧИ СИРТҚИ БЎЛИМДА ЎҚИМОҚДА

Молотов номли Фарғона бирлашган давлат педагогика ва ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимида Андижон, Фарғона ва Наманган областьларидаги тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаб ўқитувчиларидан 1200 киши ўқимоқда.

Ҳозир институтнинг сиртқи бўлимида ёзги имтиҳон сессияси, амалий машғулотларга боғланган ҳолда, қизғин ўтаётир.

Бу йил институт сиртқи бўлимининг тил-адабиёт ва тарих факультетларини 100 га яқин ўқитувчи битириб чиқади.

Л. МАҲМУДОВ.

МАКТАБЛАРДА КИТОБ ДУКОНЛАРИ

Ўқувчи ёшларни китоблар ва ўқиш қуроллари билан та'минлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Китоб савдоси конторасининг Самарқанд область бўлими Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон шаҳарларида, Норпой, Ургут ва бошқа район мактаблари ҳузурида китоб дўконлари очмоқда.

Бу дўконлар ўқувчиларга сотиш учун кўп миқдорда дарсликлар, дафтарлар ва ўқув қуроллари олдилар.

Ғ. АШУРОВ.

ОВЧИЛАРНИНГ БОЙ ЎЛЖАЛАРИ

Қашқадарё областида оқ қоринли чил ва саджаови қизиб кетди.

Юзлаб овчилар дала қушларини овлашга чиқиб кетдилар. Эрталабларн Қашқадарё, Ғузордарё ва Қизилсув ариқлари атрофига, кўлларга қушлар тўда-тўда бўлиб келиб қўнадилар. Кейинги саккиз йил мобайнида ёввойи қушлар бунчалик кўп бўлмаган эди.

Овнинг биринчи куниёқ Чироқчи районли овчи Мамад Қулматов 48 та чил ва 96 та саджани, овчи Турсунов эса Ғузордарё атрофида бир кунда 104 та қушни уриб туширди. (ЎзТАГ).

Маc'ул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 18 августда **Тоҳир ва Зуҳра.**

Тез кунда премьера — **Ипак қиз.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—**Ғ. Камол номидаги Татар давлат Академик театрининг сўнгги гастрольлари** — 18 августда **Хожи афанди уйланади,** 20 августда **концерт.** Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«РОДИНА», «ВАТАН», ёзги «ИСКРА», «УДАРНИК» кинотеатрларида— янги бадиий чехословак фильми **Эски Прага қаҳрамонлари.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кечқурун **Сирли орол.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Ленин Октябрьда.**

«ИСКРА» (қишки) — 1-нчи залда, **Ор-номус суди,** 2-нчи залда **Эски Прага қаҳрамонлари,** 3-нчи залда **Яков Свердлов.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Темур ва унинг командаси,** кечқурун **Осмон секинпарн.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
19 августда
Қирғизистон ССР
давлат
халқ хорининг
ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Қатнашадилар: Қирғизистон ССР халқ артисти **Сайра Кимбоева,** республикада хизмат кўрсатган артист **Мисқал Умурқанова,** демократик ёшларнинг Прагадаги Халқаро фестивали қатнашчиси **Назира Тойгомбоева** (лирик-колоратур сопрано), Ленин орденли Қирғизистон опера ва балет театрининг балет солистлари **Эркин Мигенилова, И. А. Кабеков** ва бошқалар.

Программани **Темирбеков** олиб боради.

Билетлар сотилмоқда. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
республика кинотеатрларида
кўрсатиш учун
КУК ҚИЛИЧЛАР
деган янги бадиий фильм чиқаради.

Сценарий автори — А. Бетхер
Режиссёр — В. Шлейф
Оператор — Э. Фидлер
Композитор — В. Зибер
Рассом — Э. Цондер.
Р о л ь л а р д а:
артистлардан Г. Кевст, И. Штеппат, Г. Хюбнер, А. Энгель, В. Клейнау, М. Прецемлар қатнашади.

Бу фильмни «ДЕФА» кичостудияси 1949 йилда ишлаган. «Главкинопрокат» 1950 йилда чиқарган.

Т. Шевченко кўчаси, 12-нчи уйда туручи Мирон Наумович Заводскийнинг Виставочная кўчаси, 8-нчи уйда туручи Ольга Дмитриевна Ивченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон давлат филармонияси
Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида
20 августда
КАТТА КОНЦЕРТ
берилади.

Концертда: Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова,** Сталин мукофоти лауреати Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ф. Борухова, **Ғ. Абдурахмонов, М. Ғафуров, Г. Карцивадзе,** А. Овчинников, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Салима Хўжаева,** Ўзбекистон давлат филармонияси, Навоий номли опера ва балет театри ва Муқимий номли театрнинг солистлари, Ўзбекистон давлат филармониясининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **С. А. Дониях** дирижёрлигида симфоник оркестри ва Навоий номли театрнинг миллий чолғу асбоблари оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

«НАМУНА» АРТЕЛИГА
Тошкент областининг шаҳар атрофи боғларида олма териш ва қуритиш учун
МАВСУМЛИ ИШЧИЛАР КЕРАК
(эркак ва хотин-қизлар)
Тошкент шаҳар, Беш'ёғочдаги Қизил юлдуз проезди, 1-нчи уйда артель правлениесига мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Савдат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31633. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 06354. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1138.